

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ

“Муסיқа ва меҳнат таълими” кафедраси

“5111100 – Муסיқа таълими” таълим йўналиши

33-11- гуруҳ талабаси Ҳазраткулов Ақтам Иброҳим ўғлининг

“Бошланғич синфларда қўшиқ куйлаш - фаолият тури сифатида”

мавзусида бажарган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: Гулистон санъат коллежи ўқитувчиси

_____ Низомова Х

Гулистон – 2015 й

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I-БОБ Бошланғич синфларда қўшиқ куйлаш - фаолият тури эканлигининг тарихий-назарий асослари

- 1.1. Қўшиқ куйлаш – фаолият тури.
- 1.2. Бошланғич синфларда қўшиқ куйлашнинг мақсад ва вазифалари

II-БОБ Бошланғич синфларда қўшиқ куйлашни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари

- 2.1. Дарс жараёнида қўшиқ куйлашнинг усул ва воситалари
- 2.2. Синфдан ва мактабдан ташқари шароитда қўшиқ куйлашнинг аҳамияти

Хулоса ва амалий тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Муаммонинг долзарблиги. Қўшиқ. Бу сўзни эшитиши биланок киши кўнглида тиниқ, ширин, маъсум ва маҳсун туйғулар оқа бошлайди. Дунёда қўшиғи йўқ халқ йўқдир, мабодо бўлса, у бахтиқародир.

Ўзбек халқи асрлар бўйи ўз орзу-умиди, қувончи, ғам-ғуссаси, армони, дунёқарашини, оддий ташвишлари, барча ўй-кечинмаларини самимиятга ҳавас қилса арзийдиган юксак қўшиқларда ифодалаб келади.

Умуминсоний миллий қадриятларни чуқур англаганимиз сайин ва катталарнинг фольклор этнографик дасталари пайдо бўлди. Уларнинг репертуар бойликлари асосан халқ қўшиқларидан таркиб топган. Халқимизнинг маънавий бойлиги унинг қўшиқларида намоён. Халқ оғзаки ижодига, унинг энг муҳим тури - қўшиққа бўлган ҳурмат ва қизиқишимиз ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда ўнлаб болалар қўшиқлари яратилди.

Қўшиқ меҳр – муҳаббатдан, соғинчдан, ғамдан, умиддан туғилади. Оҳанг ва шакл либосидаги инсоний туйғулар ифодасидир. Ўзбек халқининг қўшиққа муҳаббати чексиз. Қўшиқ ижод салоҳияти беқиёс, қўшиқ хазинаси бой, бу олтиндан қиммат хазинанинг катта қисмини лирик, тўй ёр-ёр қўшиқлари ташкил қилади.

Қўшиқ ўқувчилар онгини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларда қўшиқ малакаларини шакллантириш мусиқа дарси олдида турган муҳим масалалардан биридир. Кўпчилик бўлиб қўшиқ куйлаш мусиқавий қобилиятнинг ривожланишида ижрочилик малакаларининг шаклланишида, шу жумладан бўлажак мусиқачиларни тайёрлашда катта аҳамият касб этади. Қўшиқ айтиш куйловчига фақат эстетик завқ бериб қолмасдан, балки эшитиш қобилиятининг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатиб нафас йўллари ривожлантиради.

Ўзбекистон республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида фаолият юритишда

бугунги кун ўқитувчиси ҳар жиҳатдан мукамал касбий салоҳиятга эга бўлмоғи даркор. Шу ўринда барча фанлар қатори мусиқа дарсларига ҳам алоҳида аҳамият қаратиладики, бу ўқитувчи зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Ўша масъулиятни адо этишда тинмай изланиш, ўқиб-ўрганиш талаб этилади.

Маълумки, мусиқа дарслари ўқувчилар маънавий маданиятини ўстириш ва тафаккурини бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Дарсларда жамоа бўлиб қўшиқ айтиш болаларнинг куйлаш маҳоратини ривожлантирса, мусиқа саводи орқали дарсларда ўқувчилар назарий билимга эга бўладилар. Айниқса, мусиқа тинглашнинг ижобий таъсири ниҳоятда катта бўлиб, тинглаш орқали ўқувчиларнинг мусикий идроки ва хиссиёти, тинглаб таҳлил қилиш малакалари такомиллашиб боради.

Муаммонинг долзарблигидан келиб чиқиб, биз ўз битирув малакавий ишимизнинг мавзусини **“Бошланғич синфларда қўшиқ куйлаш - фаолият тури сифатида”** деб, номладик.

Тадқиқот мақсади: бошланғич синфларда қўшиқ ўргатиш орқали ўқувчиларда куйлаш маданиятини шакллантириш

Тадқиқот объекти: бошланғич синф “Мусиқа маданияти” дарслари.

Тадқиқот предмети: бошланғич синфларда қўшиқ ўргатиш орқали ўқувчиларда куйлаш маданиятини шакллантириш жараёни

Тадқиқот вазифалари:

- мавзуга оид илмий-педагоги к адабиётлар тўплаш ва ўрганиш;
- бошланғич синфларда қўшиқ ўргатиш орқали ўқувчиларда куйлаш маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;
- бошланғич синфларда қўшиқ ўргатиш орқали ўқувчиларда куйлаш маданиятини шакллантиришнинг шакл ва методларини амалиётга татбиқ қилиш;
- эришилган натижаларга асосланган ҳолда методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқот методлари:

- мавзуга оид илмий-педагогик адабиётларни назарий таҳлил қилиш;
- илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш;
- мақсадга мувофиқ педагогик кузатишлар олиб бориш;;

Тадқиқотнинг методологик асосларини Шарқ алломаларининг мусика илми ҳақидаги ғоялари; Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари; Ўзбекистон давлати ва ҳукуматининг таълим-тарбия ҳақидаги меъёрий ҳужжатлари; Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ташкил этади.

Тадқиқотнинг янгилиги: бошланғич синфларда қўшиқ ўргатиш орқали ўқувчиларда куйлаш маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланган ва амалиётга татбиқ қилинган. Тадқиқот ўз олдига қўйган мақсадга эришган. Унинг натижаларига таянган ҳолда педагогик тавсияномалар берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: бошланғич синфларда қўшиқ ўргатиш орқали ўқувчиларда куйлаш маданиятини шакллантириш бўйича тадқиқот эришган ютуқлар ўз ишонарлиги билан эътибора лойиқдир. Эришилган илмий-амалий натижалардан умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари ўз фаолиятларида фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Битирув малакавий иш кириш, 2 та боб, 4 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб,саҳифани ташкил этади.

I-БОБ Бошланғич синфларда қўшиқ куйлаш - фаолият тури эканлигининг тарихий-назарий асослари

1.1. Қўшиқ куйлаш – фаолият тури

Кушиқ болалар муסיкий фаолиятининг асоси хисобланади. Кушиқ урганиш жараёнида эса муסיкий идрок килиш малакалари катта роль уйнайди. Шунинг учун даслабки машгулотларданёк болаларнинг муסיкага булган кунгилли хайрихохлик туйгуларини уйгота билиш керак. Тугри танланиб, юксак бадий махорат билан ижро килинадиган кушиқлар репертуари, юкорида куйилган вазифаларни хал килиш гарови булади. Факат фаол куйлаш билан кушиб олиб бориладиган муסיка саводи туфайли 1 синф укувчиларнинг муסיка булган кизикиши ва муסיкавий кобияти ривожланиб боради. Укувчилар куйлаш жараёнида муסיка тилини тушиниб борадилар, бу эса уларнинг муסיкавий кобиятларининг усишига катта ёрдам беради. Энди улар урганаётган кушиқларнинг жанр хусусиятларни хам била бошлайдилар. Уларда музиканинг тембр, баландлик, ритмик узгаришларини хис килиш кобиятлари таркиб топа бошлайди. Шундай килиб 1 синф укувчилари муסיка тилини тушинибгина колмай, балки ундан узининг ижрочилик фаолиятида имконияти даражасида фойдаланадиган хам булиб колади. Биринчи синф укувчиларининг вужуд аъзолари умумий балогат конунлари асосида ривожланиб боради. Уларнинг овоз ва эшитиш аъзолари хам уз ёшлиги даражасида тараккий топади. Аммо овоз аъзолари хали ута нозик, томок ва овоз пайчалари хали тулик ривожланмаган булади. Овоз, овоз пайчалари киска, товуш жуда кучсиз, айникса пастки товушларга овоз етмайдиган булади. Биринчи синф укувчиларининг овози кенглиги биринчи октаванинг до товушидан иккинчи октаванинг до товушигача булади. Улар паст тавушларда кийналадилар, шунинг учун кушиқ танлаганда болалар овозига мос пардалардан башланган кушиқларни танлаш лозим. Биринчи октаванинг ми-фа-соль-ля-си товушлари 1-синф укувчилари

учун жаранг берадиган кулай тавушлар хисобланади. Биринчи октаванинг до товуши эса болалар овоз имкониятига аптлик килади ва бу товуш уларни кийнаб, зуриктириб куйиши мумкин.

Улар тушунчасида мусиканинг аник бир пойдевори вужудга кела бошлайди. Мусика дарсларида фаол ва узларини эркин, мустикал тута бошлайдилар.

Шу билан бирга мусика муаллимлари шуни эсдан чиқармасиликлари керакки 1-синф укувчиларининг ҳаммасида ҳам мусика эшитиш қобилияти, муסיкий хотираси қуникмалари бир хил ривожланмаган булади. Бир туркум укувчилар берилган товушларни оник ва тоза охангда ифода қилса, айрим укувчилар эса паст ёки балнд ёки нотоза талаффуз қиладилар. Бу эса педагоглардан ҳар бир укувчи яккама-якка ишлашни ҳам талаб қилади.

Дарс жараёнида 1синф укувчилари олдига қуйидаги талабларни бажариш туради: биринчи октаванинг ре товуши иккинчи октаванинг до товушишигача булган ораликдаги товушларни енгил ва майин, зуриқмасдан таъсирли қуйлаш, қушиқ бошланишида ва мусика жумлалари орасида тугри нафас олиш, қушиқ сузларини аник талаффуз қилиш. Вир вақтдан бошлаб бир вақтда тугатиш қаттиқ секин қаби қушиқнинг ифода воситаларини ҳамда суръатини тушуниш олдин урганган қушиқларни якка холда ижро қила олиш. "Болаларнинг мусика эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва овоз пардапарни хажмини кенгайтириш учун режали равишда машгулотлари олиб бориш керак. "Ашула алифбоси"да гулларнинг расми билан берилган "Читти гул", олмалар расми билан берилган "Олма", мушукчалар расми билан берилган "А, бе, те" ва бошқа машқ ашулалар бу соҳада қатта фойда беради. Бундан ташқари юқоридаги машқлар асосида, синф имкониятидлин қелиб қикиб, уқитувчи уз машқлар туркумини ишлаб қикиши мумкин.

Уқувчиларга қўшиқ ургатиш жараёнида ҳамма вақт ҳам уқитувчининг укувчилар билан биргалиқда қуйлайвериши яхши натижа бермайди. Бундай холатда укувчилар фақат уқитувчини эшитади, узларининг ижро сифатини

назорат килолмайди ва бир-бирларининг узаро овозини эшитмайди. Бу эса уларнинг муסיкий эшитиш диққатини, уз-узига назорат хиссини сусайтирилди ва овоз эшитув мувофиклашувининг тургун шаклланишига халакит бермайди. Шунинг учун дастлаб факат кушикнинг куйини мустика асбоби билан куй, кейин уқитувчи билан журсиз куйлаш ва ниҳоят факат уқувчиларнинг узлари журсиз куйлаш мақсадга мувофикдир. Яна кушик ургатишнинг шундай усули ҳам бор бунда дастлаб кушикни бутун синф урганади, кейин группа-группа булиб урганади ва ниҳоят якка тартибда куйланади. Уқувчи уз-узини эшитиш учун бу усул жуда фойдали. Кушик ургатиш жараёнида тоза куйлай олмайдиган уқувчиларни аниқ куйлайдиган уқувчиларнингёнига утказиш керак. Уқувчиларни синфда куйидаги тартибда утиргизса, кушик урганиш машгулотлари натижали булиши кузагилган. Уқитувчи узига яқин олдинги каторларга овоз эшитув мувофиклашуви буш уқувчиларни утиргизади, улардан кейинги каторга куйлаш куникмалари хали сустрок; уқувчилар жойлашади ва ниҳоят кейинги каторларга кушикни аниқ куйлай оладиган уқувчилар утиради:

Уқувчиларга ҳар бир ургатилаётган кушик яхлит тасаввур бериши учун уни бир неча марта соз журлигида тулик ижро қилиб бериш, кушикнинг шакли ва мазмунини тулик тушунтириш керак. Куйнинг қийин жойларини қайта-қайта қалиб ва журсиз куйлаб курсатиш ҳамда ритмик мураккаб қисмларни чапак қалиб ургатиш лозим.

Биринчи синфларнинг ҳар бир мустика дарсида янги урганилаётган кушикдан ташқари, олдинги дарсларда ургатилган кушиклар бот-бот такрорланиб туриши керак. Бу такрорлаш давомида куйнинг аниқлиги ва таъсирчанлигига овозларнинг табиийлигига эриша бориш керак. Биринчи синф уқувчиларига бутун уқув йили давомида шакл ва мазмун ҳатида хилма-хил булган 20 та кушик ургатилса етиб ортади. Бу кушиклар кувнок, тантанали ва голибона, қузик ва лирик шаклда булиши мумкин. Уларни танлаш ва уқувчиларга бадиий сифатда тухфа қилиш уқитувчининг маҳоратига боглик.

Музыка муаллимларининг вазифаси болаларда ҳаёт гузалликларини севиш инсоният яратган бадиий дурдоналардан танишиш ва хайратланиш хисини уйғотишдир. Болалар маънавий дунёсини шакллантирадиган манбалар турли-тумандир. Ана шундай муҳим манбалардан бири эса кушик санъатидир. Болалар кушик ижро қилар экан, музикани чуқур идрок қила бошлайди уз туйғуларини фаолроқ ифода қилади, ураб турган атроф-муҳит садоларини эшитиши ва унга уз муносабатини билдиради.

Иккинчи синф укучилари биринчи синфга қараганда бир қадар ривожланиш босқичида бўлади. Уларнинг нутқ маданияти етарли даражада тараккий топган, урганаётган кушик мазмуни ҳақида уз фикр-мулоҳазасини билдира оладиган, узининг ва уртозларининг қуйлаш хусусиятларини баҳолайдиган бўлади. Уқиш жараёнида улар мустақил ва фаол бўладилар. Уларнинг музикаий таассуротлари ҳам мақсад сари йуналган бўлади. Иккинчи синф укучилари мустақил музика тарзини, музика ҳаракат белгиларининг узгаришини, кушик суъатини алмашишини, қуйнинг паст, баланд йуналишини аниқлай оладилар. Улар музикадаги товушлар баландлик ва чузимини фарқлай биладилар. Иккинчи синф укучиларида овоз-эшитув мувофиқлашуви тургун ҳолатга келиб қолган бўлади. Иккинчи синф укучиларининг умумий музикаий дунёқараши анча шаклланган, адабиётдан, тасвирий санъатдан ва ҳаёт воқеа-ҳодисаларидан таъсирланган тасаввур дунёси ранг-баранг бўлади. Иккинчи синф билан музика машқулотли олиб борадиган муаллимлар, нафақат уларнинг рухий томонига, балки жисмоний узига ҳосилгига ҳам эътибор беришлари керак. Иккинчи синф укучиларида ҳам ҳали овоз мушаклари тулик шаклланиб улгурмаган бўлади. Улар қупинча овоз лайчаларини зуриктириб товуш ҳосил қиладилар ва бақириб овоз тембрини бузадилар. Уларни тана мушакларини таранглаштирмасдан енгил ёрқин ва табиий қуйлашга ургатиб бориш керак.

Ҳамма музика муаллимларига маълумки, товуш ҳосил қилиш ва чиройли қуйлашда нафаснинг аҳамияти жуда катта. Шунинг учун нафас устида тинимсиз машқлар олиб боришга тугри келади.

Иккинчи синф укучиларида улка хаво сизими анчагина катта, нафаси бир мунча чуқур булади. Шунинг учун улар билан узунрок мусикий жумлаларни ҳам урганса булади, бу эса уз навбатида нафаснинг Яна ри ривожланиши ва тургунлашишига ёрдам беради.

Музыка дарсларида иккинчи синф укучилари олдида куйидаги вазифаларни бажариш туради: биринчи октаванинг до товушидан иккинчи октаванинг ре товушигача булган ораликдаги пардаларда ёзилган куйларни ифодли айтиш тугри нафас олиш, якка ва омма билан мустикал куйлай олиш музыка ифода воситаларининг барчасини узлаштириб бориш.

Иккинчи синф "Музыка саводи" дарслигига бошлангич таълим дастури буйича шакл ва мазмун жихатидан ранг-баранг кушиклар киритилган. Бу кушикларнинг хар бирининг мусикий тарзини, укучилар хис-туйгу куригидан утказиши ва мустикавий хотирасига кучириши керак. Бундан ташки музыка муаллимлари бастакорларнинг янги яратаётган, чиройли охангли болалар кушикларидан ҳам фойдаланиши мақсадга мувофикдир.

Бунинг учун радио ва телекурсувдаги махсус болаларга ашула ургатиш эшиттиришини ва курсатувини ёзиб олиш ёки янги кушиклардан тузилган тупламларидан фойдаланиш керак.

Иккинчи синфда 1 синфда. бошланган музыка куникмаларини ривожлантириб боравериш керак. айникса кушикларни урганиш олдида утказиладиган тайёргарлик куйлаш машқларига жуда катта ахамият бериш керак. Чунки бу товуш баландлигини. аник эшитиш кобилиятини аник куйлашни овоз хажмининг кенгайишини ривожлантиради. Мусикий эшитиш кобилияти тараккийсида ва оханг тозалигига эришишда музыка жумлаларини узлуксиз занжир усулида куйлаш катта натижалар беради.. Бу усул шундайки бир укучи биринчи жумлани куйлаб тухтаган жойдан навбатдаги укучи бошлаб кетаверади ва шундай килиб занжир шаклида кетма-кетлик хосил булади. Яна бир яхши томони шундаки, бу усул билан бутун синфдаги хар боланинг мустикавий кобилиятини ва куйлаш куник малакаларини х.ар дарсда синовдан утказиб туриш мумкин. Бу ерда ким тугри айтаётгани ва ким нотугри

айтаётгани ҳам ойдин булиб қолади. Яна бир ибратли томони, бу усулда бутун синф фаоллашади, диккат бир жойга тупланади, чунки ҳар бир укувчи уз уртогини сергаклик билан кузатиб, навбатдаги жумлага кечикиб қолмасликка ҳаракат қилади. Занжирли қуйлаш тугри нафас олиш қуникмаларини ҳам мустаҳкамлайди:

Иккинчи синф укувчиларини журсиз қуйлаш усулига ҳам ургата бориш керак. Бунда фақат қушиқнинг бузиб айтилаётган жойларида асбобни жур қилиб тугрилаб юбориш керак. Мусика муаллимларининг олдида ҳар бир қушиқнинг бадиий образларини оча билиш ва уни ҳар бир укувчига етказиш вазифаси туради. Укувчи қушиқни ургатиш олдидан қискагина кириш суҳбати утказишни унутмаслик керак. Бу синфда қушиққа нисбатан ижобий рухий иқлим яратади..Урганилаётган қушиқ матнидан келиб чиқиб унинг мазмунини янада очадиган халқ мақоллари ва ҳикматларидан фойдаланиш ҳам уринли. Урганилаётган қушиқ ватан.ҳақида бўлса, "Булбул чаманни севар, и неон Ватанни", она ҳақида бўлса "Она билан бола-гул билан лола", дустлик ҳақида бўлса "Дуст-дустнинг ойнаси" каби мақоллар келтирилса. урганилажак қушиққа укувчиларнинг рухий жозибаси янада ошади. Қутаринки қайфият урганилаётган асарни тез узлаштириш имконини беради.

Бизни ураб турган дунё оҳангларга тула. тирик табиат минг хил тилда содда ва бетакрор қушиқларини қуйлайди: қушлар сайрайди, қамишлар шамолда шилдирайди, шаршаралар шарқирайди, момақалдирик гумбирлайди, инсонлар турфа оҳангда бир-бирига нутқ хитоб қиладилар, қуладилар ва йиглайдилар. Борликнинг ранг ва оҳанглардан минг жилвали қилиб туқилган бу манзаралари болаларда қатта таассурот қолдиради. Уларнинг тасаввур дунёси бойиб боради.

Ана шу табиатда кечадиган ва жамиятда юз берадиган воқеа-ҳодисадар мусика ижодкорларининг хис-туйғуларини жунбушга келтиради ва улар уз хис-туйғуларини умуминсоний даражада яхлит ифодалаб асар яратадилар: Юқсак бадиий савияда яратилган бундай асарлар эса инсониятнинг маънавий м-улки булиб қолади ва авлодлар тарбиясида қатта аҳамият қасб этади.

Биринчи ва иккинчи синфда олган сабоклардан болаларнинг мусликий маънавияти анча шаклланади. Учинчи синфда эса болалар олдига янада мураккаблирок вазибалар куйилади. Улар мусликанинг турли таркибий ифода воситаларини ургана борадилар.

Одатдагидек учинчи синфда хам дастлабки дарсдаёк мусликий иклим вужудга келтириш лозим. Бунинг учун укувчилар диккатиини йуналтирувчи кириш сухбатига тортиш керак. Ёзги таътилда ким нима килганлигини, кайси пионер лагерларида булганлигини, кандай театр ва констертларга кирганлигини, эшитган ёки урганган кушикларини сураш керак. Баъзи укувчилар узи урганган кушикни жон-жон деб айтиб беради. Бу эса бошка укувчилар калбида хам мусликага нисбатан жозиб бир кайфият уйготади.

Кейин укутувчи, иккинчи синфда утилган айрим кушикларнинг бошланиш кисмини ижро этиб, бу кандай кушикнинг куйи, бу кандай суръатда ижро этилаяпти, каби мусликий машклар утказиши керак. Ана шулардан сунг муслика муаллими 3 синф муслика дастури буйича бу йилги укув йилида килинадиган вазибалар хусусида укувчиларга чиройли хикоя килиб бериши, укувчилар билан савол-жавоблар килиши, умумий рухий йуналишни белгилаб олиши керак.

Утиладиган муслика дарслари хаётдан узилиб колмаслиги керак. Дарсликка киритилган ранг-баранг кушиклар хусусида буладиган сухбатлар бугунги кундалик хаётимизга богланиши лозим. Болаларининг мусликага кизикишини оширишда дарсининг сифати катта ахамият касб этади. Агар укутувчи уз овозига эга булса, бирон бир муслика асбобини койилмаком килиб чалинса, ашула-хор жамоасини бошқариш укуви булса, дарсга мунтазам тайёрланса. Ундан укутувчининг дарси самарали, синфи илгор булади.

Учинчи синфнинг муслика дарсида хам килинадиган ишларни ваكت буйича аник белгилаб куйиш керак, дарс боскичма-боскич куйидагича кечиши керак: овозни киздириш машклари, этишиш машклари, нота саводи, кушик урганиш, сухбат ва муслика тинглаш.

Учинчи синфда ҳам ноталар ва паузалар устида машқлар олиб бориш керак. Паузалар чузимино ноталар чузимига солиштириш, ноталар билан. Паузалар такрорланиб, алмашиб келадиган машқларни кайта-кайта куйлатилиб тушунча хосил килдириб бориш керак. Бундан ташкари нуктали ноталар х.акида х.ам тушунча бериш. шундай ноталар учрайдиган кушиқлар билан танишиб бориш зарур.

Учинчи синфда укувчилар лад, мажор ва минор хусусида бир к.адар билимга эга булишлари керак. Бунда укувчи хар бир кушиқ.товушларининг таркибий боғланишга лад дейилишини. Лад бу хар бир мусика асарининг архитектураси, бош режаси эканлигини ёки колипи эканлигини тушунтириш керак. Бу ерда асосан ладлар икки турга булинишини, булар мажор ва минор лади дейилишини уртага бориши керак. Мажор ладила ёркин ва завкли туйгулар, минор ладида эса маъюс ва гамгин туйгулар ифодаланиши, турли куй ва кушиқлардан мисол келтирилиб тушунтирилиши зарур.

Учинчи синф дарслигига киритилган кушиқларда киска чузимли товушлар хам куп. Шунинг учун саккизлик, ун олтиталик ноталар хусусида хам тушунча бериш саккизлик нота бутун нотанинг саккиздан бир булагини эканлигини, ун олтиталик нота эса бутун нотанинг ун олтидан бир булагини эканлигини тушунтириш керак.

Учинчи синфда уч товушлиқлар, дирижёрлик хакида хам соддагина булса хам тушунча бериб, икки чсракли улчов буйича дирижёрлик килдириб.ургатиш зарур.

Болаларга х.ар бир к.уйлаётган кушиқларининг бошида калитдан кейин куйладиган белгилар альтерастияларга ахамият беришни ва белгиларининг вазифасини ургата бориш лозим. Мана шундай килиб учинчи синф укувчиларининг мусикий соводи х.ам мустахамланиб боради. Улар энди ашула-хор машгулотларида мураккаброк асарларни куйлашга хам курби етадиган даражага келиб коладилар. Энди бир овозли куйлашдан аста-секин икки овозли куйлаш усулига хам утса булади.

Учинчи синфда икки овозли куйлашга утиш учун дастлаб куйидаги тартибда мусика машгулотлари олиб бориш керак. Болалар гармоник терстия, кварта, каинта интервалларини мусика асбобида чалиб, хамох.анг чикаётган товушнинг хар бирини алохида эшитишга харакат килишни, диккатни бир жойга тушлашни ургатиш зарур. Кейин эшитиш кобилияти яхши болалардан иккитасини доскага чикариб пастки товушни бирига, юкори товушни иккинчисига куйлатиш керак. Бунда аввал мусика асбоби журлигида, сунг эса журсиз куйлатиш зарур. Улар бу вазифани бир мунча машклардан кейин яхши уддалайдилар.

Синфдаги болалар хам ичидан узларини бу жараёнга созлаб турадилар. Шундай килиб бутун синфни иккига булиб, пастки товушни бир томонга юкори товушни иккинчи томонга куйлатиш керак. Изчил ва мунтазам машкпардан кейин болаларда анча малака хосил булиб колади. Ана шундан кейин энг оддий икки овозли кушикларни ургата бошлаш лозим.

Икки овозли кушикни ургатиш хам дастлаб кушик матнини яхшилаб укиб, тушунтириш, кейин мусика асбоби журлигида ижро килиб, куйлаб курсатиш ва нихрят хар бир овоз партиясини алох.ида-алох.ида чалиб ва айтиб курсатиш зарур. Шундан кейин ургатишни бошлаш керак. Аввал биринчи овозлардан бошланган маъкул, чунки биринчи овозларда кушик куйининг асоси булади.

Шундай килиб, укувчилар колган йили давомида хор ижрочилигининг бу усулини хам узлаштириб борадилар.

1.2. Бошланғич синфларда кўшиқ куйлашнинг мақсад ва вазифалари

Ўсмирлар овозига хос хусусиятларни муваффақиятли шакллантириш учун хор ва вокал малакаларини шакллантиришнинг профессионал йўл-йўриқларига бевосита мурожаат қилишга тўғри келади.

Вокал малакаларини шакллантиришнинг муҳим йўли бу куйлаш учун олинадиган нафасни тўғри олишдан бошланади. Ўқувчилар одатда куйлаш учун елкаларини ва кўкрак қафасини юқори кўтариб, нафас олишни тўғри йўл деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, улар олинган нафасни тез чиқариб юборадилар ва қолган нафас орқали зўриқиб куйлашга одатланган бўладилар.

Муסיқа ўқитувчисининг биринчи навбатдаги вазифаси куйлаш учун олинадиган нафасни ўқувчиларнинг тўғри олишларига одатлантиришдан иборат бўлади.

Тўғри нафас олиш учун қуйидаги шартларга амал қилиш лозим бўлади:

1. Нафасни олаётганда елкани кўтармасликка одатланиш.
2. Нафасни фақат бурун орқали эмас, балки қисман оғиз орқали ҳам олиш.
3. Нафасни хаддан ташқари, тикилиб қоладиган даражада кўп олмаслик.
4. Нафасни муסיқа фразасига мўлжаллаб ола билиш.
5. Нафас асосан қорин бўшлиғига олиш.
6. Нафасни тўхтата олиш.
7. Олинган нафасни расаматли, тежамли сарфлай олиш.
8. Нафасни синфдошлари билан бирдай ола билиш ва уни бирдай сарфлай бошлаш.

Олинган нафасни тўғри сарфлаш учун ўқувчилар куйланадиган фразани ҳисобга олишлари лозим бўлади. Нафас овоз пардаларини эркин тебратиб, оғиз коми томонга йўналтирилади. Нафасни томоқда қисиб бўғин овоз ҳосил қилишдан сақланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Нафасни куйлаш учун йўналтиришнинг муҳим жиҳати бу оғиз комида куйланадиган сўзларни шакллантира олишга боғлиқ бўлади. Оғиз комида тишлар, лаблар, тил тангли орқали унли ва ундошларни тўғри талаффуз қилиш жараёни ҳам куйлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунда овоз ҳосил қилишда муҳим бўлган қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш тавсия этилади:

1. Унлиларни чўзиб куйлаш, овоз ҳосил қилишнинг муҳим томони эканлигини билиш.
2. Ундошлар қисқа ва кескин талаффуз қилишда.
3. Сўзларни оғиз комида айлантриб тўғри шакллантира олиш.
4. Нафасни товуш парвозини таъминлаш ҳолда эркин парвоз қилдиришга одатланиш ва ҳоказо.

V-VII синф ўқувчиларининг куйлаш малакаларини ривожлантиришда мусиқа дарсига хос фаолият турларидан бири бўлган жамоа бўлиб кўшиқ куйлаш муҳим ўрин тутди. Жамоали куйлаш жараёнида барча ўқувчилар бирдан куйлаш имкониятига эга бўладилар. Бу эса ўқувчиларга олам жаҳон завқ бағишлайди. Барча синфдошлари билан биргаликда ҳамжиҳат бўлиб куйлаганларида ўқувчилар бу бирлашишда қанчалик катта куч борлигини чуқур ҳис қиладилар. Зеро, хор жамоасида кўшиқ куйлаш барча ёшдаги кишилар учун ҳам завқ бағишлай олади. Афсуски, катталар бундай бахтни ҳис қилиш бахтидан бенасиб бўлиб қоладилар. Чунки, катталарни бирлаштирувчи хор жамоалари бизнинг халқимиз учун одат бўлмаган. Хусусан, кўпчиликни бирлаштирувчи пенсионерлар хори ёки катта ёшдаги кишилар хори деярлик учрамайди. Ваҳоланки, европалик қариялардан тузилган хорларда кексалар ҳам чексиз завқ-шавқ билан куйлайдилар ва ўзларининг ёлғиз эканликларини ҳис қиладилар.

Ўсмир ёшдаги болалар учун хорда куйлаш ниҳоятда завқли ва унда ўқувчилар бошқа ўқув предметларидаги чарчоқни сезмай қоладилар. Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мусиқа дарсларида болаларнинг

вақтини бошқа фаолият турлари билан кўпроқ машғул бўлиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу эса ўқувчилар жамоа бўлиб куйлашдек завқ бера олмайди.

Шунингдек, хорда куйлаганда ўқувчиларга хордан ташқари кўп танбех бериш, уларни куйлашдан тўхтатавериш ҳам уларни ранжитиб қўядилар. Синфдаги барча ўқувчилар ҳам бирдай куйлаш қобилиятига эга эмасликларини ҳис қилган ҳолда улар томонидан йўл қуйиладиган айрим камчиликлардан норози бўлавериш ҳам ярамайди.

Хорга хос бир қатор муҳим элементлар мавжудки, бу спестифик хусусиятларга амал қилиш ўқувчиларнинг куйлаш малакаларига профессионализмлик кирита олади.

Профессор П.Чесноковнинг таъбири билан айтганда хорда агар уч муҳим элемент бўлмаса, бундай томонни хор деб аташ нотўғри бўлади.

Булардан бири - бу хорнинг созидир. Соз - бу куйлаш жараёнида учрайдиган барча интервал ва аккордларнинг тўғри талаффуз қилинишидан иборатдир. Мусиқа назариясидан маълумки - интерваллар товушлари биринкетин келадиган мелодик интерваллар ва бир пайтда талаффуз қилинадиган гармоник интерваллардан иборат бўлади.

Ўзбек мусиқий бисотида оид кўплаб материаллар асосан мелодик тарздаги интерваллар қўшилмасидан ташкил топган, хусусан фольклор кўшиқлари, маросим кўшиқлари, турли халқ анъаналарида куйланадиган кўшиқлар ҳам хатто халқимизнинг нодир асарлари бўлган оғзаки анъанадаги йирик стикллардан ташкил топган мақомлар ҳам асосан мелодик тарздаги интерваллардан иборатдир.

Барча инсонлар сингари болалар овози ҳам ҳар доим бирдай қўшилавермайди. Кўпинча бу ўқувчиларнинг кайфиятига, саломатлигига ва ўқувчига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам маълум бир нотани куйлаганларида бириси сезилар-сезилмас даражада пастроқ, баъзиси баландроқ ва баъзиси барқарор куйлайдилар. Бунда талаффузлар мажмуиси табиий соз дейилади. Фортепианода маълум агарда жаранглайдиган нотага

эга пасайтиришга ҳам, юқорилатишга ҳам мойиллик кўрсатмайди. Шунинг учун ҳам бу чолғу асбобининг созини теккис соз деб юритилади.

Болалар овози ҳам катталар сингари табиий созга эга бўлганлиги учун интерваллар талаффузида баъзи камчиликлар мавжуд бўлади.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган хор мутахассислари интервалларни тўғри талаффуз қилиш учун айрим интонацион хусусиятлардан фойдаланиш зарурлигини исботлаганлар.

Куйлаш жараёнида интервалларни бу қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда уларнинг аниқ талаффузига эришиш мумкин бўлишини исботлашган.

Мелодик интервалларни тўғри куйлаш учун уларнинг босқичларини куйидагича куйлаш тавсия этилади:

1. Барча соф интерваллар соф-1, соф-4, соф-квинта ва соф-октаваларнинг ҳар икки босқичини (яъни пастга ва юқорига ноталарини) барқарор куйлаш лозим.

2. Барча кичик интерваллар кичик-2, кичик-3, кичик-6, кичик-7 интервалларнинг 1-босқичи барқарор, иккинчи босқичи эса пасайтириш, яъни паст томонга интиштириб куйланади.

3. Барча катта интерваллар катта-2, катта-3, катта-6 ва катта-7 интервалларининг 1-босқичи барқарор ва 2-босқичлари эса юқорилатиш йўли билан куйланади.

Мажор ва минор гаммалари ҳам асосан юқоридаги қонун-қоидалардан келиб чиққан ҳолда куйланади.

Хорга хос муҳим элементлардан бири бу ансамбль бўлиб, у франстуз тилидан олинган ва барча хор қатнашчиларининг биргаликда, ҳамжиҳат куйлашларини тақозо этади.

Ансамбллар вокал ижрочилари учун куйидагича таркибдан иборат бўлиши мумкин:

1 киши ижроси «соло» дейилади.

2 кишилик ансамбль «дуэт» дейилади.

3 кишилик ансамбль «трио» дейилади.

4 кишилик ансамбль «квартет» дейилади.

5 кишилик ансамбль «квинтет» дейилади.

6 кишилик ансамбль «секотет» дейилади.

7 кишилик ансамбль «септет» дейилади.

8 кишилик ансамбль «октет» дейилади.

Булардан энг кўп учрайдиган дуэт, квартет ва квинтет ансамбллари ҳисобланади.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ансамблларнинг туб мазмунига етмаслик натижасида айрим хатоликларга йўл қўйилади. Бу айниқса квартет ёки квинтет ҳақида сўз юритилганда содир бўлади.

Кўрик-танловларда айрим мактаб раҳбарлари тўрт киши ижросидаги ҳар қандай қўшиқни бу квартет деб баҳслашадилар. Ваҳоланки, тўрт киши ижросидаги қўшиқ бир ёки икки овозли вокал ансамбли бўлиб чиқади.

Тўрт киши қўшиқ куйлаганларида, агар улар қўшиқнинг айрим жойларини тўрт овозлик қилиб куйласаларгина у квартет бўлади.

Шунингдек, квартет қилиб куйлаганида ҳам у бошдан охирига қадар тўрт овозлик бўлиб куйлашавермайди. Баъзан аккордлар бир овозлик, баъзан икки овозли, баъзан уч овозли, фақат айрим қаторларни тўрт овоз қилиб куйлашлари мумкин. Ана шу тўрт овозга бўлиниш жойини ҳисобга олган ҳолда уни квартет деб аташ одат бўлиб қолган.

Хорга хос ансамбллар хусусий ва умумий бўлиши мумкин. Икки, уч овозлик хорларда ҳар битта овоздаги хонандаларнинг ўзаро бир-бирларига мос равишда куйлашлари бу хусусан ансамбль деб аталади.

Икки ёки уч овозлик хорлардаги барча партияларнинг биргаликда бир-бирларини мос куйлашлари умумий ансамбль ҳисобланади.

Профессор Е.Чеенекон хорга хос янги механик ва бадий органик ансамбллар ҳам мавжудлиги ҳақида фикр билдиради.

Механик ансамбль куйидаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган бўлади:

1. Ҳар бир хор партиясида хонандалар сони тенг бўлиши керак.

2. Ҳар бир хор партиясидаги хонандаларнинг овоз бўёғи бир хил бўлиши керак.

3. Хорда куйловчи хонандаларнинг овоз сифати ва саволлари бир хил бўлиши лозим.

Бундан ташқари механик ансамблга хор дирижёрининг савия ва маҳорат мос келадиган бўлса, бундай ансамбль бадий органик ансамбль деб аталади.

Хорга хос учинчи муҳим элемент бу нюанслар, динамик туслар бўлиб, унга амал қилиш хорни бадий жиҳатда баркамол бўлишини таъминлайди.

Бу элементлар PP, P, MP, MF, FF, кришендо, дименуэндо ҳамда сфортстандо бўлиб, у куй ва қўшиққа руҳ бера олиш билан аҳамиятлидир.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб куйлаш хорнинг мукамал бўлишида ва хонандаларнинг куйлаш малакаларини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади.

II-БОБ Бошланғич синфларда кўшиқ куйлашни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари

2.1. Дарс жараёнида кўшиқ куйлашнинг усул ва воситалари

Болалар тарбиясида мусиқа етакчи ўрин эгаллайди. Бу фаолият тури болаларга бошқа фаолият турларига нисбатан яқин ва тушунарлидир. Болалар кўшиқ куйлашни севадилар. Куйлаш болалар ижрочилиги фаолияти ичида етакчи фаолият тури бўлиб, у ўқувчиларнинг мусиқий-эстетик тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Яхши кўшиқ болани кувонтиради, ҳар томонлама камол топдиради ва тарбиялайди. Чолғу куйларидан фарқли ўлароқ кўшиқ куйлаш кучли эмоционал таъсир кучига эга. Чунки кўшиқда матн ва мусиқа бадиий бирлиги намоён бўлади. Кўшиқ куйлаш бола шахси тарбиясига ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Кўшиқ инсон ақлий камолотини ўсишига, дунёқарашини кенгайтишига, атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қилади.

Кўшиқ куйлаш жараёнида улар мусиқани чуқурроқ идрок этадилар, ўз кечинма ва ҳис-туйғуларини фаолроқ ифодалайдилар. Кўшиқнинг матни болаларга мусиқа мазмунини тушунишга ва куйни осонроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Бирор бир чолғуда ижро этилган куйга нисбатан овозда ижроэтилган куйни болалар яхшироқ идрок этадилар.

Кўшиқ куйлаш жараёнида болаларда мусиқий қобилият ривожланади: мусиқий эшитиш қобилияти, мусиқий хотира, ритм ҳисси, шунингдек, кўшиқ куйлаш мусиқий қобилиятлардан: метр ва ритм ҳисси, мусиқий эшитуви, лад ҳисси ривожланади.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолияти ўқувчиларни мусиқий ўқув қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарурдир. Синфда жамоа бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчи ўз овоз ижросини бошқаришни, устозлари ижросини эшитиб, кузатишни ҳамда улар билан баҳамжиҳат жўрновозлик қилишга интилади, жамоавий бирлик, уюшқоқлик,

ўзаро дўстлик ҳислари тарбияланади.

Қўшиқ куйлаш бола руҳиятига таъсир қилиш баробарида, унинг жисмоний ўсиши ва ривожланишида ҳам катта таъсир кўрсатувчи омилдир. Жамоа бўлиб куйлаш машғулотида ўқувчиларнинг диққат-эътибори, онглилиги ва фаоллиги ошади, мусиқий хотира яхши ривожланади ва ўрганган қўшиқларни ижро этганда, завқланиш ҳисси пайдо бўлади. Қўшиқни сўз маъноси ва мусиқа оҳангини чуқур идрок этадилар ва асарни мазмуни орқали ҳаётни ўрганадилар.

Қўшиқ куйлаш болаларнинг нутқини ҳам ривожланишига замин яратади. Қўшиқ сўзлари чўзиб ижро этилганлиги туфайли болалар янги сўзларни бўғинлаб, хатосиз ўрганадилар. Мусиқий раҳбар ва тарбиячилар сўзларнинг тўғри ижро этилишини текшириб борадилар.

Қўшиқ куйлаш жараёни болаларни умумий кайфият билан бирлаштиради, улар ҳамкорликда фаолият бажаришга ўрганадилар. Улар шошиб кетаётган ёки орқада қолиб кетаётган ўртоқларини эшитадилар ва уларни бир хил суръатда куйлашга чақирадилар.

Қўшиқ куйлаш – мусиқий тарбиянинг асосий воситасидир. У бошқа фаолиятларга нисбатан болалар учун жуда яқиндир. Қўшиқ куйлаб, улар мусиқани янада фаолроқ идрок этадилар. Қўшиқ матни эса мазмунан қўшиқ куйини англашга ёрдам беради.

Куйлаш фаолиятида болаларда мусиқий қобилиятлар эшитиш қандай хотира ва ритм ҳисси ривожланади. Куйлаш болаларнинг нутқини ривожлантиради. Мусиқа ўқитувчиси (раҳбари) болаларни қўшиқ куйлаш жараёнида сўзини куйга мос қилиб куйлаш уларни назорат қилиб туради. Бола овозни ўзига хос хусусиятлари боғча болаларининг овози нозик, юмшоқ майин бўлади. Бола томоғи ундаги бўғин билан катта кичкина бўлади.

Шунинг учун овози юмшоқ ва товуш резанатори орқали кучайтириб берилади.

Резонатор иккига бўлинади:

1. юқори бош резонатор.

2. пастки кўкрак резанатори.

Кўкрак резанатори овозни кучайтириб беради. Бош резанатор эса овозни жарангли қилиб беради.

Куйлаш – бу мураккаб жараён бўлиб, товуш ҳосил қилади, яъни куйлаш даврида эшитиш ва куйлаш бир-бири билан боғлиқ бўлиши керак. Болалар катталарнинг нутқи ва оҳангига тақлид қиладилар, овозларида кушларнинг, уй ҳайвонларининг товушларини ифодалайдилар. Ўқувчиларда куйлаш малакаларини самарали шакллантиришда энг аввало инсон овоз аппарати тузилишини билиб олишимиз керак. Оғиз, бурун бўшлиғи, ҳалқум, трахея, бронхлар ва ўпкалар овоз ҳосил килувчи аъзолар ҳисобланади. Асосий овоз аппарати эса ҳиқилдоқда жойлашган. Болаларни куйлаш ижодини ривожлантириш буйича иш аста-секин олиб борилади. Шунини инобатга олган ҳолда мактаб таълим-тарбия дастурида ҳар бир синф диапазониға мос асарлар берилган.

Шунини айтиб ўтиш керакки, ёш болаларда ҳали овоз мушаклари ривожланмаган бўлади. 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган вақт овоз мушакларининг шаклланиш даври ҳисобланади. Унга қадар овоз мушаклари вазифасини пайлар бажаради. 11-13 ёшга келиб болаларда ҳиқилдоқ мушаклари тўлиқ шаклланади ва 20 ёшга қадар ривожланиб боради. Шундан келиб чиқиб шунини айтиш мумкинки, 11-13 ёшда овоз ҳосил қилиш катталарникидан фарқ қилади. Буни кўшиқ ўргатиш жараёнида албатта инобатга олишимиз керак. Болалар овозини тўғри шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқитувчи овоз аппарати ўзгариш хусусиятлари билан бирга, болаларнинг куйлаш имкониятларини яхши билиш керак. Чунки болаларнинг ёш диапазониға амал қилишлик овознинг тўғри тарбиялашнинг, куйлаш фаолиятини самарали амалга оширишда муҳим шартларидан биридир. 6-7 ёшли болаларда куйлаш имконияти у қадар катта эмас. Юқорида айтиб ўтилгандек, бу уларнинг овоз аппаратлари тўлиқ шаклланмаганлиги билан боғлиқ.

1-синф ўқувчилари овози ми 1-соль 1, фа 1- ля 1 диапазонида яхши жаранглайди. Шунинг учун ҳам дастлаб диапазон жиҳатдан чегараланган, унча мураккаб бўлмаган, содда, аммо характери ва образ жиҳатдан эркин кўшиқлар куйлашга берилиши лозим. Аста-секин кўшиқлар диапазони кенгайтириб борилади. Ҳар бир кўшиқда ўқувчилар куй товушлари ва баландлигини кўргазмалар ва ҳаракатлар рқали билиб борадилар. Бу эса овоз ва эшитув мувозанатини таъминлайди ва товуш баландлигини тўғри аниқлашга ўргатади.

2-синф ўқувчиларининг овозлари эса ми 1 - си 1, диапазонида анча табиий жаранглайди. Шу билан бирга ушбу диапазон ҳали нозик ва калта овоз пайлари имконияти билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг дарсларда, синфдан ташқари машғулотларда енгил, зўриқмай куйлашга эришиш керак.

Аста-секин куйлаш диапазони кенгайтириб борилади. Ўқув йили охирига келиб ушбу синф ўқувчилари диапазони ре 1 - ре 1 га ўтади. Учинчи-тўртинчи ўқув йилларида эса ўқувчилар овози до 1- ре 2 (ми 2) диапазонида тўлиқ жаранглайди. Тўртинчи синф ўқувчилари овоз диапазони до кичик октава - ми 2 (фа 2) диапазонида тўлиқ жаранглайди. Бу даврга келиб улар куйлаш малакаларига эга бўладилар.

5-6-синфда 11-13 ёшли ўқувчилар билан ишлаш жараёнида ўқитувчи ишида қийинчиликлар вужудга келади. Чунки бу даврда ҳиқилдоқнинг ўсиши натижасида болалар овозида «мутастия» ҳолати кузатилади.

Мутастия ҳар кимда турлича кечади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчини яхши билиши ва овозидаги индивидуал ўзгаришларни кузатиббориши лозим.

Қизларда ҳам «мутастия» борми деган савол илмий адабиётларда у қадар тўлиқ ёритилмаган. Яхши маълумки, овоз ўзгариши физиологик жараён бўлиб, у бевосита бутун организм ўзгариши билан боғлиқ. Қизларда ҳам овоз пайларининг ўсиши кузатилади. 13-14 ёшга келиб куйлашдан сўнг қизлар овоз пайларида ҳам қизариш ва овознинг бир

мунча чарчаш ҳолати кузатилади. Лекин қизлардаги мутастия жараёни ўғил болалардагидек сезиларли даражада ўтмайди.

Болалар овозини муҳофаза қилишда куйлаш малакалари устида иш тўғри олиб борилиши керак. Жамоа бўлиб куйлаш малакаларига:

- Куйлашдаги ҳолат (туриб, ўтириб куйлаш)
- Нафас ҳосил қилиш _____
- Товуш ҳосил қилиш
- Соз
- Талаффуз
- Ансамбл

Боғча болаларнинг куйлаш жараёнида уларни тўғри ўтириш, қоматларини, бошларини тик тутишларини, оғиз очишларини тўғри ўрганишларини назорат қилиб туриш. Стулга тўғри ўтириш, лекин, 3-4 ёшли бола стулга суяниб қўлини иззига қўйиб ўтириши мумкин, оғизларини вертикал очишлари керак.

Мактабда эса ўқитувчи биринчи дарсдан бошлаб, қўшиқ айтиш ҳолати - партада ўтириб ёки туриб куйлаганда бош, қўл ва оёқларни қандай тутиш лозимлиги ҳақида болаларга тушунча бериб боради. Куйлаганда гавдани қийшайтирмасдан тўғри тутиш, елкаларни енгил кериб, иякни ортиқча кўтармасдан, бўйинни ва бошни тўғри ушлаш, қўлларни эркин ҳолда пастга тушириш ёки кафтларни тиззалар устига енгил қўйиб, энгашмасдан ўтириш ва оёқларни елка кенглигида эркин қўйиш каби ҳолатлари устида иш олиб боради. Бу иш ҳар бир дарсда қайта-қайта такрорланади ва бутун йил давомида назорат қилиб бориш билан болаларда кўникма ҳосил этилади .

Нафас қўшиқ куйлаш жараёнида мустаҳкамланади. Куйлашдан аввал мусиқий жумлалар орасида нафас олишга болаларни ўргатади. Нафас ҳосил қилиш куйлаш нафасни тўғри олиш ва ундан унумли фойдалана билиш асосида амалга оширилади. Бошланғич синф ўқувчиларда нафасни кўкрак қисмида олишлари сабабли кафтларни

кўтаришлари, жумлани тугатмасдан ёки сўзни бўлиб нафас оладилар. Ўқитувчи елкаларни кўтармасдан вазмин нафас олиш ва жумла ҳамда сўз ўрталарида нафас олмасликка алоҳида эътибор бериши лозим, Болалар кўшиқ ёки машқ куйлаганларида ўқитувчининг қўл ишораларига қараб нафас олишиларига ва уни жумла охиригача етказишга одатлантириб борилади. Дирижёрлик ҳолатлари - «диққат», «ауф», «ижрони бошлаш», «ижрони тугатиш»га одатлантириб бориш бошланғич синф ўқувчиларида нафасни тўғри йўлга қўйишда энг самарали усул ҳисобланади.

Бунинг учун болалар куйни яхши идрок этиш керак. Интонастия эшитиш қобилияти ва овоз аппаратининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Айрим нутқида нуқсонли бўлган болалар сўзларни нотўғри айтиш натижасида фальш (носоз) қилиб куйлашлари мумкин. Интонастияни соф бўлиши тарбия олаётган муҳитга ҳам боғлиқ. Товуш ҳосил қилиш куйлашни асосий воситаларидан биридир. У кўпинча махсус машқлар ва кўшиқлар ўрганишда сўзларни аниқ-равшан талаффуз этиш йўли билан шаклланиб боради. Болаларни куйлаш малакаларини шакллантириш ва ўстириш ишлари, мусиқа товушларини диққат билан эшитиш ва уларни аниқ баландликда куйлаб бера олиш қобилиятини ривожлантириш асосида амалга оширилади. Бу ёшдаги болаларда, кўшиқни куйлаганда кўпроқ нутқ товушларидан фойдаланишга интилиш ҳолларини кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу, биринчи навбатда, болаларни битта товушда чўзиб майин, яъни легатода куйлашга ўргатишдан бошлаш зарурдир. Бошланғич синфларда болаларни майин “атака”да куйлашлари аниқ товуш ҳосил бўлишини, овознинг мулойим ва ёқимли бўлишини таъминлайди. Қаттиқ “атака”дан фойдаланиш болалар овозига кўполлик ва дағаллик олиб келиши мумкин. Айрим болалар бақириб, зўриқиб куйлайдилар. Бу эса, вокал-хор малакаларининг яхши шаклланишига халақит беради, овозларга путур етказади. Болаларни тўғри куйлашга ўргатиш учун керакли машқлардан фойдаланамиз: пастки жағни бўшатиш

учун «ля-ля-ло-лу» ; «да-де-ди-до-ду»; «ма-ме-ми-мо-му» машқини иккинчи бармоқларимизни лабимиз четига қўйиб ижро этамиз.

Жамоа бўлиб куйлашнинг энг асосий шарти соз ва ансамблга эришишдир. Соз жамоа бўлиб куйлашда овозларнинг интонацион уйғунлиги, жўрлиги, бирлиги бўлиб, мелодик ва гармоник турларга бўлинади. Соз ҳар бир боланинг мусика товуши баландлигини аниқ куйлай олишига асосланади. Барча болаларни созга бир хил тушуши жамоа бўлиб куйлаганда талаффуз жиҳатдан уйғунлашишга имконият беради. Шунинг учун 1-дарсдан бошлаб, соз устида мунтазам иш олиб борилади. Фақат шундагина соф унисонга эришиш мумкин бўлади.

Товуш яхши чиқиши учун талаффузнинг муҳим аҳамияти бор. Жамоа бўлиб куйлаш ишини ривожлантиришда талаффузнинг яхши ривожланиши муҳимдир. Бунда артикулясион органлари - лаб, тил, жағларнинг фаол ҳаракатидан ҳамжиҳатлиги, аниқ, оҳангдор, мазмунан ифодали талаффуз этилишига эришиш лозим. Болалар нутқида заифлик, ноаниқлилик, овоз аппаратини сиқиб гапириш каби нуқсонлар учрайди. Бундай болаларга эътиборни кучайтириш ва улар билан индивидуал иш олиб бориш лозим. Энг муҳими, болаларни машқ ва қўшиқлар матнларининг вокал талаффузига ўргата бориш лозим. Қўшиқ куйлашда унли товушларни тўғри шакллантира олиш муҳимдир. Бу иш вокал машқлари, машқ-қўшиқ, ва қўшиқларни ўрганиб куйлаш жараёнида амалга оширилади. Нутқимизда унли товушдан кўра, ундош товушлар кўпроқ ишлатилади. Шунинг учун бизнинг вазифамиз кўпроқ унли товушларни куйчан, чўзиб куйлаш ҳисобига ундош товушларни қисқа аниқ талаффуз этишга эришишдан иборатдир. Хусусан, «А» товушини очик кенг талаффуз килиниб, куйланганда лаблар бир-бирига яқин, ёпиқли, бироз «о» товушига яқинлаштириш; «О» товушини талаффуз қилганда очик, томоққа яқин, куйлаганда балларга яқин, ёпиқли, юмшоқ куйланади; «Е» товуши талаффузда очик, куйлаганда ёпиқли «е» тарзида келадиган сўзларни «э» га яқинлаштириб

куйланади. «И» товуши тил олди, йиғиқ, баъзан сиқик ҳолда талаффуз этилади. Уни фақат овоз аппаратининг эркинлиги ва енгил нафасда «у» га яқинлаштириб куйлаш лозим. Товушларни вокал машқларида «да, дэ, ди; ма, мэ, ми» каби бўғинлар билан куйлаш фойдалидир. Ундош товушларни кескин, чакқон ва аниқ талаффуз этиб, уларни унли товушлар оралиғида куйлашга ўргатиб бориш лозим. «Қ», «ҳ» ва «ғ» товушлари нутқда томоққа яқин талаффуз этилади. Куйлашда талаффуз механизмини ўзгартирмай, уларни юмшоқ талаффуз қилишга эришиш лозим.

1. Куйлашдан олдин кўшиқ матнини ифодали ўқиш.
2. Кўшиқ ўргатиш жараёнида ҳамма биргаликда шошмасдан сўзлаб секин куйлаш.
3. Кўшиқни кўплетларга бўлиб, ифодали ўқиш куйлашга ёрдам беради.

Жамоа бўлиб куйлашда овозларнинг ритмик, динамик, темп, тембр ва интонацион уйғунлигидир. Соз малакаси эса, ансамблнинг вужудга келишида асосий омил ҳисобланади. Кўшиқларнинг бадиий ижро этилишига овозлардаги соз ва ансамблнинг уйғунлиги воситаси билангина эришиш мумкин.

Ўқувчиларни жамоа бўлиб кўшиқ куйлашга ўргатиш умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа ўқитувчи зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир. Жамоа бўлиб куйлаш ўқувчиларда бир қатор ижобий жиҳатларни жумладан, уларни ахлоқий жиҳатдан шаклланишига катта таъсир этади. Биринчидан, кўшиқ аниқ бир мавзуга қаратилган бўлади, иккинчидан, ўқувчилар кўшиқларда акс этган ўзга инсонларнинг руҳий ҳолатини, унинг кечинмаларини ҳис қиладилар. Жамоа бўлиб куйлаш нафақат эстетик дидни, балки ўқувчиларнинг ташаббускорлигини, фантазияларини, ижодий қобилиятларини, тарбиялайди ва мусиқий қобилиятлар (кўшиқчилик овозини, усулни ҳис этишни, мусиқий хотирани)ни ривожлантиради, кўшиқчилик малакаларини, мусиқий

қизиқишларини ошириб, эмоционал ҳамда вокал-хор малакаларини орттиради. Жамоа бўлиб куйлаш инсон ҳаётида жамоатчиликнинг ўрнини тушунишга ёрдам беради. Шу билан бирга ўқувчиларнинг дунёқарашларини шакллантиради ва уларга жисплаштирувчи, тартибга солувчи таъсир қилади ҳамда жамоатчилик, дўстлик ҳисларини шакллантиради. Жамоа бўлиб куйлаш дарсларида ижро этиш учун муסיқий асар танлашда куйланадиган материални тўғри танлаш асосий шартлардан биридир. Бу турдаги дарслар учун кўшиқ уларни мавзу, муסיқий жанрга мансублик, мақоми (миллий ва чет эл муסיқий асарлари) жиҳатидан турли туман бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъни репертуарда ҳар хил мавзу ва жанрлардаги замонавий ва мумтоз асарлар, маҳаллий ва чет эл муסיқаларини бўлиши мақсадга мувофиқ. Кўшиқ айтиш бошқа муסיқий фаолиятлар туридан шуниси билан фарқ қиладики, унда муסיқа билан сўз биргаликда келади. Шунинг учун ҳам кўшиқнинг мазмуни ўқувчиларга муסיқанинг бошқа турларига қараганда тушунарлироқ бўлади. Мактаб муסיқий тарбия амалиётида жамоа бўлиб куйлашнинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини юзага чиқарган:

- жамоа бўлиб куйлаш болалар хулқини тарбиялайди ва амоага бирлаштиради;
- жамоа бўлиб куйлаш болаларни жисмоний ривожлантириш воситасидир;
- жўрсиз куйлаш болаларни эшитиш қобилиятини ва хотирасини ривожлантиради;
- кўп овозлилик гармоник эшитиш қобилиятини тарбиялайди.

Болаларни жамоа бўлиб куйлашга қизиқтириш ва ўргатишда ўқитувчининг олдида қатор вазифалар белгилаб берилган.

Жамоа бўлиб куйлашнинг вазифалари:

- болаларда бадиий сезгирликни ошириш ва муסיқага бўлган муҳаббатни уйғотиш, жамоа бўлиб куйлашга болаларни қизиқишини ривожлантириш;
- вокал-хор малакаларини ривожлантириш;

- музикалий қобилиятларини ривожлантириш;
- музикалий ижрочилик малакаларини ривожлантириш.

Жамоа бўлиб куйлашда белгилаб берилган хусусиятлар, мақсад ва вазифалардан тўлақонли фойдалана олсак, болаларда музикага, хусусан, жамоа бўлиб куйлашга бўлган қизиқишларини янада оширамиз. Музикалий-назарий билимларни ўзлаштиришнинг қўшиқ куйлаш жараёнида, ўқувчилар аввал куйланадиган қўшиқни ўқитувчи ижросида, маълум чолғу чолғуи жўрлигида тинглайдилар. Бу ўқувчиларда қўшиқ ҳақидаги дастлабки эмоционал таассуротларни ҳосил қилади. Ўқитувчи ўқувчиларга танланган қўшиқнинг яратилиши ҳақида, уни ёзган композитор ҳақида қисқача маълумот беради. Кейин ҳамма биргаликда қўшиқнинг тузилиши, лади, ўлчови ва тонлигини аниқлайдилар. Сўнгра ўқитувчи ёрдамида қўшиқни куйлашни ўрганадилар. Ўқувчиларга қўшиқ куйлашни ўргатиш жараёнида ўқитувчи ўз билимини улар онгига етказиши учун жуда қулай вазият вужудга келадик, бунда ўқитувчининг болаларни музикани тўғри идрок қилишга тайёрлаши муҳимдир. Бу жараёни амалга оширишда тафаккур, диққат, хотира ва эмоционал кўтаринки руҳ ёрдамга келади. Педагогика ва психология фанларида ўтказилган тадқиқотлардан маълумки, ижодиётни шакллантиришнинг барча турларига бу нарсалар бевосита алоқадордир, қолаверса бутун таълим жараёнини бўларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Музика дарсларида хотирани кучайтириш ва ривожлантиришнинг асосий принстипларидан бири дарсларни соддадан - мураккабга, қуйидан-юқорига қараб бориш принстипларига асосланган ҳолда уюштиришдир. Қўшиқ айтиш санъати вокал-хор малакаларига эга бўлишни талаб этади ва қуйидаги шартларни ўз ичига олади:

1. Куйлаш жараёнида тўғри ўтириш ёки туриш.
2. Тўғри нафас олиш.
3. Оҳангдошлиқни ҳис этишга эришиш.
4. Бошқа ўқувчиларни тинглаган ҳолда куйлаш (ансамблга эришиш)

ва ҳоказолар.

Жамоа (хор) бўлиб қўшиқни куйлаш олдидан ва уни куйлаш жараёнида мусиқий саводхонлик компонентларини ташкил этувчи бир қанча вазифаларни амалга ошириш лозим, чунончи:

- қўшиқ ҳақида дастлабки эмоционал таассуротлар ҳосил қилиш (қўшиқни тинглаб кўриш орқали);
- қўшиқни мусиқий таҳлил қилиш (ўлчов, темп, ритм, жанр ва ҳоказоларни аниқлаш);
- қўшиқнинг сўзлари устида ишлаш;
- қўшиқни кичик бўлақларга бўлиб ўрганиш;
- қўшиқни бир неча маротаба қайтариш орқали мустаҳкамлаш;
- асарнинг мусиқий–бадиий образини тингловчига етказиб куйлаш (мусиқий ҳаракатлар, эмоционал туйғулар орқали).

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ўқитувчи энг аввало танланган қўшиқнинг яратилиши ҳақида қисқача маълумот бериши ва ушбу қўшиқни маълум чолғу асбоби жўрлигида ифодали куйлаб бериши лозим. Ўқитувчи қўшиқ устида ишлаганда, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши зарур.

Юқоридаги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қўшиқ кичик бўлақларга бўлиниб ўргатилади. Сўнгра бир бутун қилиб фразалар, жумлалар бўйича қўшилади. Қўшиқни бир бутун куйлаганда ўқувчилар ўқитувчининг ижросига суянадилар. Бу вазифаларни ўқувчиларнинг билим дойрасини, яъни куйлаш маданиятини шакллантирмасдан амалга ошириб бўлмайди. Ўқувчиларда куйлаш малакаларини шакллантириш жараёни бир хилда кечмайди. Бу жараён маълум қонуниятларга бўйсўнган ҳолда мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилади. Бошланғич синфларда куйлаш малакаларини шакллантиришнинг қуйидаги уч босқичга бўлишимиз мумкин:

1. Оддий элементар куйлашни ўрганишга эришиш.
2. Оддий машқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

3. Ҳосил бўлган куйлаш маҳоратидан самарали фойдаланиш.

Шаклланишнинг илк босқичлариданоқ ўқувчилар кичик диапазонда бўлса ҳам, соф, тоза ва ифодали, динамик белгиларга риоя қилган ҳолда куйлашга ҳаракат қилишлари керак. Куйлаганда, оғизни тўғри очиш, нафасни тўғри олиш, куйлаш талаффузини яхшилаш, овоз тембрини ёрқинроқ ҳамда юмшоқроқ қилишга эришишлари лозим.

Биринчи босқични амалга оширишда мусиқа ўқитувчисининг ушбу малакаларнинг бир-бирига боғлиқлигини таъминлашга эришиши муҳим ҳисобланади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг товуш пардасига оғирлик тушмаслиги ва уларнинг овозлари чарчаб қолмаслиги учун кўшиқ айтиш фаолиятини бошқа фаолиятлар билан алмаштириб туриши лозим.

Иккинчи босқичда асосий ўқувчиларнинг куйлаш малакаларининг барча қирраларида ижобий ўзгаришлар рўй беради. Нафас йўлларида эркинлик ҳосил бўлади, овоз тембри ёрқинлашади мусиқий хотира, эшитиш, ладни ҳис этиш қобилияти, диққат ривожланади.

Сўнгги босқичда куйлаш малакаларини ривожланганлик даражаси юқори бўлади. Жарангдорликнинг соф ва ифодали бўлиши, овоз ҳосил бўлиш усулининг мустаҳкамланиши, овоз тембри сифатининг янада ошиши, овоз диапазонининг сезиларли даражада кенгайиши, куйлашда талаффузнинг ҳамда нафас олишнинг тўғри, равон ва тўла шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

Бу босқичда ўқувчилар чуқур мусиқий ҳис-туйғу ва мусиқий тўғри куйлашга эришган бўладилар. Бу даврда ўқитувчи катта диапазонли, сакрашлар иштирок этган машқлардан фойдаланиши мумкин. Куйлаш малакаларининг ўзаро узвийлиги пайдо бўлиши шу босқичга хос омиллардандир. Масалан, мусиқий эшитиш қобилиятининг ривожланиш даражаси овоз тембрининг сифатига, овоз ҳосил қилиш усулига ва бошқа малакаларга таъсир қилади.

Табиийки, ўқувчиларда куйлаш малакаларини шакллантиришнинг ўз қийинчиликлари бўлади. Ўқувчилар ҳали берилган асарни тўла таҳлил қила

олмайдилар, дастлабки машқларда кўлга киритилган ютуқларни кейинги машқларда ишлата олмайдилар, куйлаш малакалари орасидаги боғлиқликни тўлиқ кўра билмайдилар. Бу қийинчиликларни бартараф этишда ўқувчиларнинг мусиқа тинглаш ва куйлаш ижодиётини тўғри тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Куйлаш малакаларини шакллантиришда қайта куйлаш машқлари усулининг мақсадга мувофиқ равишда бажарилиши муҳимдир. Қайта куйлаш усулининг икки шартли мавжуд:

1. Ўқувчи куйлаётганда ўз олдига аниқ бир мақсадни қўйиши керак.
2. Ўқувчи нимага эришганини, ҳар бир машқнинг қандай натижа берганини, қандай хатоларга йўл қўйилганини билиши лозим ва келажакда ушбу хатоларни бартараф этишга ҳаракат қилиши керак.

Юқорида санаб ўтилган шартларни бажариш мусиқа маданияти дарслари самарадорлигини оширади ва келажакда янги усул ва услублар ишлаб чиқаришга замин яратади. Бунинг учун биз мусиқий тарбия тизимини яхшироқ англашимиз зарур. Ҳар бир дарс ўз хусусиятига кўра такрорланмас ва бир-бирига ўхшамайдиган бўлади. Дарснинг ҳар бир фаолияти, методлари, мақсади ва вазифалари эришилмоқчи бўлинган натижалар аввалдан тузиб чиқилган бўлади. Қисқа вақт ичида дарсни ташкил этиш учун 3-синф мисолида бир аралаш дарс турининг режаси куйидагича бўлиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Дастлаб дарснинг мақсади белгиланади.

I Дарснинг мақсади: _____

- 1) Таълимий мақсад – интонастия устида ишлаш, янги мавзуни тушунтириш, янги кўшиқ ўргатиш, дарс жараёнида аввал ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш ва дарс мобайнида улардан унумли фойдаланиш.
- 2) Тарбиявий мақсад – ўрганилаётган кўшиқ орқали ўз Ватанига, халқига нисбатан меҳр–муҳаббат уйғотиш, ўз миллий мусиқасига, миллий урф-одатларга ҳурмат ва фахрланиш ҳиссини уйғотиш.
- 3) Ривожлантирувчи мақсад – мустақил фикрлай олиш, ўз фикр-

мулоҳазаларини баён эта олиш, бошқа ўқувчиларнинг хато ва камчиликларини тўғри топиб, уларни тузата олиш.

4) Шакллантирувчи мақсад – мусиқий қобилиятни, эшитиб аниқлаш малакаларини, тўғри ўтириш, кўшиқ куйлаганда тўғри нафас олиш, овоз Аппаратидан қоидагидек фойдаланишни, мусиқий дид ва дунёқарашни шакллантириш.

II Дарснинг тури: баҳс–мунозарага асосланган интеллектуал ўйин.

III Дарснинг кўргазмалилиги:

Дарслик ва кўшимча адабиётлар, чолғу асбоблари (пианино, рубоб, аккордеон...), магнитофон ёки граммпластинка, карточка ва плакатлар.

IV Дарснинг режаси:

1) Мусиқа оҳанги остида ўқувчилар синфга кирадилар ва жойларига ўтирадилар. (ўрганилиши ёки эшитилиши керак бўлган кўшиқ бўлса яна ҳам яхши).

2) Эшитилган мусиқа юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашинади. (мусиқий асарнинг муаллифи, қандай жанрга хослиги, темпи (суръати), ритми (усули), тонлиги ва ҳоказо).

3) Янги мавзу: «Тоника».

Куйнинг таянч нуқтаси – тоникадир. Ҳар бир тоналликда тоника мавжуд. Мусиқий асарлар ўз ёзилган тонлигининг тоникасида тугайди ва ҳоказо.

4) Ўрганишимиз керак бўлган «Ота-оналарга» кўшиғини тинглаймиз. Ўқувчилар кўшиқ борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Кўшиқнинг композитори ҳақида ўқитувчи сўзлаб беради. Янги мавзуга боғлаган ҳолда ўқитувчи ўқувчиларга асарнинг тоникасини топишни вазифа қилиб беради.

5) Кўшиқ ўрганиб куйлаймиз. (Овоз созловчи машқлар билан овоз созланади, кўшиқ кичик жумлаларга бўлиб ўрганилади)

6) Ўқитувчи ўқувчилар билан кўшиқни мусиқий (тонлиги, ўлчови, темпи, динамикаси ва бошқалар) ва мазмуний (ота-онага нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат туйғулари ва ҳоказо) жиҳатдан таҳлил қилиб, ўқувчилар

фикрларини тўлдиради ва кўшиқнинг тарбиявий аҳамиятини очиб беради.

Дарснинг бориши: мусиқий таълим анъанавий шаклда (ўқувчиларни давоматини текшириш, уйга берилган вазифани текшириш, кўшиқ ўргатиш, мусиқа тинглаш, мусиқий саводхонлик) олиб борилади. Сўнг ўқитувчи юқорида белгиланган режага асосан дарсни олиб боради. Дарс сўнгида уйга вазифа берилиб, фаол катнашган ўқувчилар баҳоланади. Фаол катнашган ўқувчиларнинг аниқлаш учун ёрдам сифатида, ҳар бир тўғри жавоб учун ўқувчига рағбатлантирувчи карточкалар бериб бориш дарснинг самарасини оширади.

Юқорида берилган дарс ишланмаси бир дарснинг кўриниши бўлсада, биз бундан ташқари бошқа усулдаги, масалан, констерт дарслари (барча ўрганилган кўшиқлар ўқувчилар ижросида тингланади ва баҳоланади), контрол дарслар (барча ўрганилган мавзулар мусобақа тарзида (қаторлараро) савол-жавоб қилинади), «ким тўғри топади» дарслари (ижро этилган куйнинг номи, муаллифи, темпи, қандай жамоа учун ёзилганлиги ва ҳоказо топилади) ва шу каби дарс шаклларида ҳам фойдаланишимиз, янгиларини излаб топишимиз мумкин. Бундай ёндошув ўқувчиларни барчасини дарсда фаол катнашишга, уларнинг аксариятини бир дарсда баҳолашга кенг имконият яратади.

Мусиқа маданияти дарсларининг самарадорлигини ошириш учун мазкур предмет хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муайян дидактик принстипларга асосланади.

Дарсларга қўйиладиган дидактик талаблар тизимида қўлланиладиган методиканинг аниқ ва тушунарли бўлиши, аввалги ўтилган дарслар билан ҳозирги дарсларнинг узвийлиги, дарсда ўтиладиган мавзуга мос материал танлаш, дарс ўтишда самарали усул ва услублардан фойдаланиш, дарсни ташкил эта билиш, жамоа, гуруҳ ва индивидуал ишлаш усулларини умумлаштириш, дарс жараёнида ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятини ҳисобга олиш, мусиқа маданияти дарсларини бошқариш, турли хил дарслар ёрдамида дарсларнинг мазмунини бойитиш,

бериладиган вазифаларни тўғри баҳолаш, ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитувчининг кўшиқ ижро этиши ва уни ўргатиши жараёнидаги муҳим бир пайт ҳисобланади. Ўқитувчи кўшиқни нечоғлик аниқ, равшан, таъсирли ижро этса, бу кўшиқ ўқувчиларга шунчалик тушунарли бўлиб қолади, кўшиқни ўрганиш уларга осон бўлиб кўринади. Болалар кўшиқни кучли таассурот билан тинглашар экан, уларнинг шу кўшиқни тезроқ ўрганиб олгилари келади. Шундай қилиб, болаларни жим ўтириб, диққат билан кўшиқ тинглашга одатлантира бориш керак. Ўқитувчи кўшиқни бошидан охиригача ҳам, қисман ҳам ижро этиши мумкин. Агар кўшиқ табиат манзараларини акс эттирса, йил фасллари ифодаласа, унда қандайдир умумий мазмун ва кайфият баён қилинадиган бўлса, кўшиқнинг бир бандини ижро этишнинг ўзи кифоя қилади, бошқа бандлари эса куйламасдан, ўқиб берилади. Аммо айрим қахрамонларга, тарихий воқеаларга зид кўшиқ ва ашулаларда бўлганидек, кўшиқ ривожининг умумий йўли яққол маълум бўлса, болаларнинг яхлит бадиий образ таассуротини ҳосил қилиш учун кўшиқни тўлиқ ижро этиш афзалроқ бўлади. Масалан, Н.Норхўжаевнинг «Чамандаги гуллармиз» кўшиғининг биринчи бандини ижро этишнинг ўзи кифоя қилади.

Муסיқа болага ҳар томонлама ёрдам бериб, теварак-атрофни образли, эмоционал идрок этиш ва бола характернинг шаклланишига таъсир кўрсатиш учун муסיқа тарбиясининг мақсадидан келиб чиқиб, куйидаги вазифалар қўйилади:

1. Болада муסיқий қобилиятни ривожлантириш.
2. Болаларни ашула айтиш ва муסיқавий ритмик малакаларга ўргатилиб, уларда муסיқани қабул қилишни ҳис этиш ва тушиниш қобилиятларини тарбиялаш.

3. Болада бадиий ижодий қобилиятларни ривожлантириш.

Муסיқийликнинг ривожланиши туфайли болалар муסיқа образларини, уларнинг атрофдаги кўшимча, образларни болалар ёрқин ҳис эта

бошлайдилар. Бу эса, ўз навбатида уларнинг теварак-атрофни билишда, эстетик баҳоланишни тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Болаларни мусиқа билан шуғуллантиришнинг сабаби бола мусиқа билан шуғулланмасдан, кўшиқ айтиш ва мусиқа – ритмик ҳаракатлар қилиш кўникмаларини юзага келтириб, шу соҳа билан боғлиқ билимларни ўзлаштириши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болаларга ва тарбия беришнинг ўзаро узвий боғланган учта методи бор:

1. Кўргазмали метод.
2. Сўзлаб бериш методи.
3. Амалий фаолият методи.

Кўргазмали метод

1. Эшитишга асосланган кўргазмали метод. Бунда болага ўргатиш бевосита мусиқа билан бўлади. Мусиқа эшитиш махсус машғулот пайтида ёки бола томонидан кўшиқ ва мусиқавий ритмик ҳаракатларнинг ижро этилиши.

2. Кўришга асосланган кўргазмалилик. Мусиқа садолари билан кўшиқ олиб борилади. Турли ўйин, рақс, машқ ҳаракатларидан намуналар кўрсатилади.

Сўзлаб бериш методи

Бу метод бола онгига мўлжалланган бўлиб, унинг фаолиятини маъноли ва мазмундор қилишга қаратилади. Бунда педагогнинг сўзи мусиқа асарининг дастурини тушуниб олишда болага ёрдам беради. Унинг тасаввурини жонлантиради.

Сўзлаб бериш методининг қуйидаги усуллари бор:

1. Тушунтириш – янги асарни тинглаш, кўшиқ айтиш, ўйин ва рақсларни кўшиб, машқ қилиш давомида фойдаланилади.
2. Изоҳлаш – изоҳлар ижро, рақс, машқ ҳаракатларини, кўшиқ айтишнинг турли ёълларини кўрсатишда қисқа ва аниқ шаклда берилади.

3. Кўрсатма бериш – болалар ўйини рақс ва машқларни бажараётган пайтда берилади. Масалан: ўнг елка томондан айланиш керак, оёқ бармоқларини пастга чўзиш каби.

Амалий фаолият методи

Бу фаолиятда болаларга кўшиқ айтиш ва мусикали ритмик ҳаракатларни бажаришда шундай раҳбарлик қилиш керакки, улар топшириқни мумкин қадар таъсирли ва ифодали бажаришга интилин.

Болаларни ўргатиш жараёнида ёш хусусиятларини ҳисобга олиб топшириқларни аста-секин мураккаблаштириш мумкин.

Мактабда болаларни мусикага ўргатиш босқичлари:

1-босқич: Мусика асари билан дастлабки таништириш; Янги кўшиқни ўргатиш жараёнида педагог турли мусика асбобларда чалдириб, куйни ўзаро таққослайди ва шу ёъл билан уни хотирасида қолдиради.

2-босқич: Кўшиқ ва мусика ритмик ҳаракатларини ижро эта олиш кўникмаларини бўлишни шакллантириш.

3-босқич: Кўникмалар ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш. Бунда топшириқни автоматик равишда бажара оладиган кўшиқ, ўйин ва рақсни мустақил ижро этадиган даражада мусика таълимини бериш, турли методик усулларнинг барчасидан фойдаланишни тақозо этади.

Кўшиқ ҳар томонлама болани камолга етаклайди. Болалардаги мусикий қобилиятни ривожлантиришга ҳамда боланинг баркамол етук авлод кишиси сифатида ўсишига ёрдам беради. Мактабда ўргатиладиган ҳар бир кўшиқ мазмуни ва характерини онгли тушунишга ўргатиш керак бўлади. Авваламбор ўқитувчи бирор бир шеърни ёд олишни дастурдан фойдаланган ҳолда ўрганади.

Ҳар бир танланган шеър боланинг қизиқишлари, боланинг ишлари, гуруҳлари ҳамда фаслларга қараб байрамларнинг турларига қараб ўргатилади. Кўшиқ боланинг ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

Кўшиқ инсон тафаккурини ва онгини ривожлантиради. Биз кўшиқни болаларга ўргатаётганда аввал кўшиқ куйини, кейин шеърини мисрама-мисра

ўргатамиз. Қўшиқ куйини ўргатганда бирор бир мусиқа асбоби ёрдамида ўргатишимиз мумкин. Шеърни эса бўғинларга ажратиб ёки чапақлар орқали ёд олдирилади. Болалар шеърларни тезроқ ёд олишлари учун шеър матнларини такрор айтишимиз керак. Агар боланинг хаёли бир жойда бўлмаса, мусиқа товушларини ва шеърни тез ёд олишлари мураккаб бўлади. Айниқса бошланғич синф ёшидаги болаларнинг онги, хали ривожланмаган бўлади. Шунинг учун улар куйни секин ва узоқ муддатда ёд олишади. Болаларга мусиқа товушларини тушунтириб ўргатиш зарур. Болалар тарбиясида қўшиқнинг роли катта. Қўшиқ лириканинг энг қадимги турларидан бўлиб, куйлашга мўлжалланган бир неча модели шеърдир. Қўшиқлар куй ва оҳанг билан айтилади. Баъзан қўшиқ ўйин билан бирга ижро этилади. Демак қўшиқ учун шеър ва куй керак. Қўшиқ халқ оғзаки ижодининг энг кўп тарқалган ва оммалашиб кетган жанрларидан биридир. Қўшиқлар халқ турмуши ва меҳнатнинг ижодий маҳсули бўлиб, унда халқнинг орзу- тилаклари қалб садолари турли-туман ҳаётий туйғулари ифодаланган.

Қўшиқлар ўқувчиларнинг нафосатини ўргатишга, уларни ҳаёт ва меҳнатга, муҳаббат, ватанпарварлик, дўстлик, қаҳрамонлик, байналминаллик, инсонпарварлик каби олийжаноб фазилатлар руҳида тарбиялшга ёрдам беради. Қўшиқ ҳаёт моҳияти ва мазмунига мос шаклларда тузилади. Масалан: ўзимизнинг миллий мусиқаларимизни айтишни ҳам болаларга ўргатишимиз зарур. Масалан: «Читти гул», «Бойчечак», «Лайлак келди» ва ҳоказолар. Бу мусиқалар мавзу жиҳатдан меҳнат, ишқий, лирик қаҳрамонлик қўшиқларига ва шу каби бошқа турларга бўлишимиз мумкин. Ҳаёт тажрибаларига асосланмаган ранг-баранг қўшиқлар орқали халқнинг ғам-ҳасрат, душманга нисбатан ғазаб ва нафрати каби ҳис-туйғулари изҳор этилади.

Қўшиқ болани эркалатади, ўйинга бошлайди, уни ҳис қилиш қобилиятини ўстиради, фикрлашга ўргатади. Бола туғилган куниданок онанинг меҳр тўла алласини тинглайди. Бунда онанинг болага бўлган

самимий чуқур муҳаббати билан бирга, фарзанднинг жамиятга мос, яхши фарзандлар эгаси бўлиб тарбияланишини таъсирли, оҳангдор кўшик орқали ифодалайди:

Аллада яхши тарбия кўрган бола жамоа ўртасида, тўй томошаларда, ота-онанинг обрўси унинг шуҳрати сифатида таърифланади. Алла болани чақалоқлик давриданок оҳанглар воситасида эзгуликка чорлайди.

Муסיқа таълими ва тарбиясининг асосий мақсади ўқувчиларда муסיқа санъатини гўзаллик қонуниятлари асосида ўрганиш малакасини шакллантириш ва уларда замонавий муסיқа маданиятини таркиб топтиришдан иборатдир. Шундай экан мазкур мақсад ўқитувчи олдида ўқувчиларда муסיқавий – бадиий дид ва ахлоқий эстетик ҳис туйғуларни таркиб топтириш: ижодий қобилиятларини ривожлантириш, муסיқа санъатига нисбатан қизиқиш ва уларнинг муסיқа фаолиятида бадиий эҳтиёжни кучайтириш, муסיқа саводхонлиги маданиятини шакллантириш, муסיқа – давр, ҳаёт, инсон ҳис туйғулари ва унинг орзу умидлари ифодаси эканлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш қатор вазифалар кўяди. Бошланғич синфда муסיқа таълимининг асосий пойдевори кўрилади.

Бунда биз ўқувчиларни муסיқага бўлган идроки ва муסיқавий қобилиятларига мос миллий ҳамда халқ кўшиқлари, болалар кўшиқлари, мақомларнинг нодир намуналари билан танишадилар, муסיқа идроклари, муסיқа ва унинг ифода воситалари, нота саводи, чолғу асбоблари, муסיқа жанрлари, вокал хор малакасини маълум даражада ўзлаштирадилар. Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг тўғри ва ифодали куйлаш малакалари шаклланади, ҳамда уларнинг тарбиялаб асраш каби ишлар йўлга қўйилади. Вокал хор таълими ва тарбияси жараёнида қуйидаги вазифалар бажарилади: болалар ашула айтиш ҳолатларига хор қондасига, муסיқа тинглашга тўғри куйлашга одатлантирилади.

Ундан ташқари болаларнинг диапазонлари синчиклаб ўрганилади ва тарбиялаб ўстирилади. Юқори овозлар До¹ – Ре² гача паст овозлар Си кичкина Ре² гача, ўқувчилар овозини тарбиялашда овоз малакаларини

педагогик жиҳатдан пухта танланган ҳамда йил давомида ишлатиладиган мусиқа саводи, мусиқа жанрлари, мусиқа назариялари, тарихи ва куйлаш малакасини шакллантириб боради.

Болалар овозида товуш ўзининг энгиллиги, тиниқлиги, характерли жарангдошлиги ва нозиклиги билан ажралиб туради. Бошланғич синфларда вокал машқларини ўстириш учун турли машқларни куйлаш катта аҳамиятга эга. Қўшиқ айтишни ҳар дарсда мунтазам равишда олиб бориши керак. Бу маълум даражада эрталабки жисмоний зарядкага ўхшайди. Эрталабки зарядкани турли машқлари баданни яйратиб, ку бўйи тетиклик хос қилса хор машқлари овозни тобора очиб бориб, бутун дарсни баланд руҳда ўтказди. Шунинг учун дарсни қўшиқ айтиш машқидан бошлаш маъқул. Бу машқ ўқувчиларни маълум даражада активлаштиради, уларнинг диққатини бир жойга тўплайди, ифодали куйлашга ундайди. Ўқувчиларнинг мусиқа ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш ва мусиқа қобилиятларини ривожлантиришда мусиқа тинглаш муҳим роль ўйнайди. Чунки, ўқувчи дарсинг барча элементлари овозларни созлаш, куйлаш, нотага қараб куйлаш, мусиқа билан ҳаракат фаолияти жараёнида ҳам мусиқа тинглаш простессии давом этади. Аммо ўқитувчи ижросида ва грам ёзувда профессионал санъаткорлар ижро этган турли жанр мусиқа асарларини тинглаб идрок этиш билангина ўқувчиларни мусиқанинг сеҳрли оламига олиб кириш мумкин. Бунда биринчи синфдан бошлаб мусиқа асарларининг эмоционал образли мазмуни ва фойдаланилган мусиқанинг ифода воситалари ўртасида узвий алоқани тушунишга ўргатиб бориш зарур. Ўқувчиларнинг мусиқа саводхонлигини оширишда нота саводининг функционал элементлари дарсинг барча жараёнида ўрганилиб борилади. Нотага қараб куйлаш ўқувчиларнинг мусиқа қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришда, мусиқанинг ифода воситаларига онгли муносабатда бўлиб, мусиқани бадиий жиҳатдан тўғри ижро этишда муҳим роль ўйнайди. Бошланғич синф ўқувчиларнинг билим ва малакаларига бўлган қуйидаги талабларга амал қилишлари лозим. Ўқувчи ўтилган мусиқа асарларини

оҳангидан таниб олиши, уларнинг номлари ва композиторларини билиши керак.

Бир овозда куйлаш устида иш олиб бориш даврдаёқ ўқувчиларни икки овозда куйлашга аста – секин тайёрлаб бориш керак. Оддийдан мураккабга ўтишдек умумий педагогик принстип – икки овозда куйлашга ўргатишнинг асосий принстипини ҳисобланади. Ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб иккинчи синфда дастлабки икки овозли, аммо ниҳоятда оддий машқлар, яъни ҳажм жиҳатидан кичик-кичик, ўрта регистрда куйлаш учун қулай бўлган, лад чегарасидан ташқарига чиқмайдиган мисоллар киритилади. Энг оддий машқларни ҳам, анча мураккаб машқларни ҳам асосан сольфеджио қилиш йўли билан ўрганиш ва куйлаш керак, чунки ноталарни муайян номлари шу ноталарга мос келадиган товушларнинг баландлик ҳолатини ҳам аниқлаб боради. Машқлар доскага ёки маҳсус плакатларга ёзиб қўйилади.

Куйлашга бошлашдан олдин болалар ноталарни бир неча марта овоз чиқариб ўқишлари, юқориги ва пастки овозларни галма – галл кейин эса икки овозни бир йўла куйлашлари лозим. Агар машқ ҳажми жиҳатидан керак бўлса, ўқитувчи болалар билан бирга ноталарни ўрганиб чиқади, сўнгра уни овозлар бўйича навбатма навбат ва биргаликда қўйилади. Аниқ қўшиқ репертуарини танлаш – ишнинг муҳим ва масъулиятли бир пайтидир, чунки бунда болаларнинг мусиқа ўқувини ўстириш нуқтаи назаридан уларнинг реал имкониятларни ҳисобга олиш зарур. Айниқса бу имконият бошланғич синфларда муҳим даврдир. Бу даврда икки овоз элементи камроқ учрайдиган кичик ҳажмли қўшиқлардан фойдаланилади. Ҳар қайси овознинг оҳанги аниқ равшан, мустақил бўлиши лозим ва босқичма босқич, равон бўлиши маъқул. Пастки овоз куйнинг ширадор, хуноҳанг, яхшт эса қоладиган ва имкон бориша мустақил бўлиши айниқса муҳимдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, икки овозлилик асарларининг бошланғич даврида юқориги ва пастки овозларнинг мелодик йўналмалари ва етарли даражада мустақил бўлган қўшиқлардан фойдаланиш керак. Аммо болалар дастлабки мусиқавий ўсиш даврида ҳар қандай босқичма босқич изчилликни бемалол идрок

этаверишмайди. Масалан болалар кўшиқларидаги паралел терстиялар шаклида кўпроқ учрайдиган икки овозликнинг дастлабки даврида уларга анча оғирлик қилади. Пастки куйнинг юқориги асосий куй йўлига, юқориги ва пастки овозларнинг ўхшашлиги сабабли машқ қилишда альтлар дискантлар партиясига беихтиёр ўтиб кетади. Ўзбек халқ кўшиқларини полифоник кўп овозлилар қилиб қайта ишлаш катта имкониятларга эгадир. Шунинг назарда тутиб полифоник хусусиятга эга бўлган икки овозли кўшиқларни етарли даражада репертуарга киритиш керак.

Бу принстиплар мусиқага муҳаббатни, мусиқа қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда мусиқавий дид ва мусиқа маданиятини тарбиялашга қаратилгандир. Ҳар қандай шароитда ҳам ижрочилик малакасини эгаллаш, асарнинг мусиқавий образ тимсолини яратиш ва очиб беришга қаратилган бадийлик талабларига бўйсунтириш лозим. Бунда ижрочилик малакасини эгаллаш мусиқавий асарни бадий ижро этишдек мақсадга эришишда бир восита, қуролдир. Бадийлик ва техникавийлик ҳисларининг бирлигига ўқувчининг ижодий ташаббускорлиги ва топқирлигини ривожлантириш асосидагина эришиш мумкин. Ўқувчиларнинг мусиқавий қобилиятларини ривожлантирмай туриб, уларнинг мусиқавий маданиятини тарбиялаш мумкин эмас. Болаларнинг бу қобилиятлари фақат мусиқавий фаолият давомидагина ривожланиб боради.

Кўшиқнинг ёкимли, жозибали ва таъсирчан хусусиятларини тўғри англаб олиш ва ундан тулакони бахраманд булиш мураккаб жараён дир. Бунинг учун кўшиқдаги узига хос бадий хусусиятлар мусиқий "тил", ритмик тузилма, суз ва охангнинг уйғунлашув жихатлари пухта узлаштириб олинган булиши керак. Зеро, кўшиқ назм ва навонинг узаро уйғунлашуви, бирлиги, суз ва куйнинг ёнма-ён ҳаракати воситасида шаклланган булади. Кўшиқда куй энг муҳим манба ва асосий воситадан бири сифатида эътироф этилса-да, лекин у бадий жихатдан узига хос хиссий мазмун ва гоёнинг якуний натижасидир. Чунки куйдаги кувончли, лирик, кутаринкилик ёхуд гамгин, рухий махзунлик ҳаратлари унинг мазмунига узвий боғланиб гузал ва

мантикий маъно ҳрсил килади. Шеърӣй мазмун ва бунга жавобан мусикий "тил" элементларининг мутаносиблиги кишини кушиқдаги реал воқеяликларни тушуниш, ҳис этиш, тасаввур қилишга ундайди.

Қушиқдар сон-саноксиз булиб, ҳар бири уз мазмунига кура реал воқеялик ва маълум сифатларни акс эттиради. Агар ҳозирги ёшларнинг кушиққа нисбатан қизиқишига эътибор қаратсак, улар, асосан, зохирий, севги ва енгил, шух, қувонч мавзусидаги кушиқларни қупрок ектиришига гувоҳ буламиз. Интилиш, буюклик, қаҳ, рамонлик, меҳ, нати ва тарихий воқеаларни баён қилувчи кушиқларни эса қупчилик ёшлар ёқтирмайди. Бунинг сабаби шуки, улар томонидан кушиқдаги мусикий "тил"нинг услубий ва ритмик изчиллиги, шеърӣй мазмуннинг узаро уйғун ривож, йуналиш ва характерини чуқур идрок эа олмасликдадир. Идрок этиш учун эса мусикий укув, саводхонлик зарур.

Маълумки, мактаб мусика маданияти фани дастурига қиритилган кушиқдар бадий-мусикий тузилмаси ва ижро хусусиятларига кура укувчида ижро маҳ, оратини устириб унда турли туйғуларни уйғотади, фикрлашга ундаб, узига ҳос маънавий баҳоланиш малақасини вужудга келтиради. Масалан, 3-синф "Мусика" дарслигига қиритилган "Диёр мадҳи" (Х, Раҳмат ш., Н.Норҳужаев м.) қушигида Она-Ватан ҳақида фикрлар туюлган. Шоир кушиқнинг биринчи бандида шундай гоъни илғари суради.

Она-Ватан эртаси, Келажакнинг меваси,

Билим, ҳунар эгаси

Биз буламиз, албатта.

Ниятлар улкан, катта.

Шеърнинг бадий тузулмасидан қуриниб турибдики, Она-Ватаннинг эртанги қуни, келажакдаги равнақи ёшларнинг пухта билим олиши, қасб-ҳунарга эа булишига боғлиқ. Шоир Она-Ватан эртасини келажакнинг мевасига ухшатиши бежиз эмас, албатта. Чунки ҳдр бир мустикал давлатнинг эртаси, келажаги ёшлар қулида. Агар улар ёшлиқдан пухта билим олиб, қасб-ҳунар эгалласа, табиийки, келажаги порлоқ булади. Олдиға

куйган хар бир яхши нияти амалга ошади. Мамлакатни гуллаб-яшнашига уз хиссасини кушади.

Шоир шеърнинг иккинчи бандида орзу-тилаклар, дилдаги ёруг туйгуларни амалга оширишда юрт-диёр меҳри катта куч беришини таъкидлайди:

Орзуларим уч берар.

Диёр меҳри куч берар,

Дилда ёруг туйгулар,

Ёругликка ошнализ,

Эзгу ишга ташнализ.

Бу банддаги бадий туқиманинг сунгги икки каторида хур Ватан, эркин ва тинч хаёт, гузал турмуш тарзининг барқарор булиши учун хар кандай эзгуликка ташна булиб, ижобий ишларни амалга ошириш кераклиги баён этилган. Болалар Ватан, диёр меҳри уларга доимо куч бериб туриши, бунинг учун доимо Ватанга содик булиб, фойдали меҳнат билан шугулланиш кераклигини билиб бориши хдм шеърнинг асл гоёси, моҳиятини ташкил этган.

Шеърнинг учинчи ва туртинчи бандлари узига хос бадий гоё, мазмун ва тушунчани ифодалайди. Шоир Ватан довриги, обрусил, гузаллигини оддий тилда баён этади:

Довруклидир Ватаним,

Обрулидир Ватаним.

Дунёдаги чаманим

..

Куз каромдек саклайман,

Ишончингни оклайман.

Ватанга булган содиклик, меҳр-муҳаббат, бойликларини асраш сингари куникмаларни болаларда хоёил килишга ундовчи бу мисраларда маъно ниҳоят теран ифодаланган,

Шундай килиб, шоир Х.Раҳмат "Диёр мадхи" шеърда Ватан равнаки, ёш авлод камолоти, унинг укимишли ва касб-хунарга эга булишини баён этган. Шеърдаги бадий воқеийлик композитор Нодим Норхужаевни бефарқ колдирмаган. У шеърнинг гоёвий мазмунига қараб миллий мусикамининг узига хос хусусиятидан келиб чиққан холда нафис, гузал ва ёқимли мусика яратган,

Қўшиқ "Қуйчан" суръатда ижро этилади. Унинг мусикий тузилмаси, асосан, саккизталиқ, чорак ва бутун ноталар чузимидан таркиб топган. Танланган диапазон ҳам укувчилар ёши, физиологик ривожланиши даражаси ва овоз диапазонига мос келади. Укувчи ушбу қушиқни хис-туйғуларга берилиб, кизикувчанлик билан ижро этади. Чунки суз ва мусикий матнда узаро уйғунлашув, оҳанраболик теран мужассамлашган.

Укитувчи ушбу қушиқни укувчиларга қуйлатиш жараёнида чолғу ижрочилиги ва қушиқчилик санъатига оид принстиплардан фойдаланиб шеър матнини тез ва осонгина эсда колдириш мумкин булган жихатларга алоҳида эътибор бериши керак. Чунки бошланғич синф укувчилари шеър матнини мусикий оҳанг билан уйғунлаштириб қуйлашга бир оз қийналади. Бунга сабаб аксарият холларда баъзи укитувчилар даставвал шеър матнини укувчига ёдлатишга ҳаракат қилади. Укувчининг қушиқ сузларини шеър тарикасида узлаштириб олмасдан бир йўла мусикага солиб қуйлаши афзал.

Маълумки, укитувчи одатда қушиқ сузларининг мураккаблиги ва оҳанг билан уйғунлашув жихатларига қараб, унинг маълум бир қием ёки бандини 3-4 маротаба уқиб эшиттиради, мусикага солиб қуйлаб беради ва укувчиларни ҳам узи билан биргалашиб қуйлашга ургатади. Бундай холларда матндаги сузларнинг аниқлиги, оҳанг билан узвий боғланиб боришига катта эътибор бериш керак. Дастлабки пайтда товуш динамикасини қучайтирмаган холда қушиқ матнини шивирлаб, аммо оҳанраболик билан қуйлаш методидан фойдаланиш яхши натижа бериши мумкин. Чунончи, болаларда овоз апаратыни тугри шакллантириб бориш ва ашулачилик нафасини тугри

хосил килишга шюхида эътибор каратиш ахамиятли булади. Кўшиқни соф интонатстияда мохирона куйлаш ҳам куп жихатдан шунга боғлиқ.

Одатда 3-синф укувчилари мусикий ва бадий тузилмаси унча мураккаб булмаган кичик хажмдаги кушиқларни куйлашни биринчи дарснинг узида қисман узлаштириб олади. Лекин "Диёр мадхи" кушигининг бадий ва мусикий тузилмасининг мураккаблиги ва маълум қисмларга бўлинганлиги сабабли уни биринчи дарснинг узида узлаштириб бўлмайди. Уни 2-3 даре давомида укувчиларга ургатиш тавсия этилади. Биринчи навбатда, укувчиларда кушиқнинг мусикий матни хақида тасаввур хосил қилдириш керак. Укитувчи яхши соз ва товуши жаронгдор булган чолғу асбобида кушиқ куйини 3-4 маротаба чалиб бериши, кейин эса уни ёқимли тарзда куйлаб бериши керак. Шундан кейин, юқорида қайд қилиб утқанимиздек, укувчиларнинг узи билан биргалашиб куйлашга ургатиб боргани мўқул ҳисобланади. Бу пайтда укувчи диққат-эътиборини фаол бўлишига ундаш талаб этилади. Жумладан, матндаги сузларни аниқ, таъсирли ва тугри талаффуз қилиш, суз билан охднг уйғунлашувини тугри таъминлаш ишлари амалга оширилиб борилиши зарур булади. Айниқеа, кушиқдаги миллийликка хос мусикий тузилма, жумладан, миллий мусикамизнинг узига хос сайқали, кочиримлари, охангни бир-бири билан изчил боғланиб келишини укувчиларга синчиклаб ургатиш керак. Бунинг учун ҳар бир суз ёки унга тегишли бугинларни белгиланган нота чўзимиде, товушлар паст-баландлиги, ритмик ва ижро суръатини сифатли таъминлашга эътибор бериш керак. Агар композитор мусика асарида ифодалаб берган товушлар баландлиги ёки охангнинг умумий йуналиши, ритмик изчиллик, ижродаги тезлик суръати талаб даражасида бажарилмасе, унда кушиқнинг бадий таъсирчанлиги ниҳоятда сусаяди. Натижада укувчи узи куйлаган кушиқдан баҳраманд бўлолмайди.

2.2. Синфдан ва мактабдан ташқари шароитда қўшиқ куйлашнинг аҳамияти

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошlab таълимни ислох қилиш, миллий тарбия асосини яратиш мақсад қилиб олинди. Шу боис миллий-маданий меъосимизнинг миллий ва умубашарий кадриятларига асосланган Давлат таълими стандартлари, жумладан мусиқий таълимда ҳам давлат таълими стандарти яратилди. Бу стандартларнинг мазмун ва моҳияти заминда баркамол авлод, комил инсон тарбияси ётади. Бугунги ёшлар тарбияси ҳақида гап кетар экан, ёш авлодни аввало соғлом турмуш тарзи ва комиллик тарзи аввало нималрни назарда тутати, унда нималар амалга оширилади? Аввало ўқувчи –ёшларни истеъдодини, қизиқиши ва манфаатларига мос равишда мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этилган мусиқий тўғаракларга жалб этиш орқали амалга ошириш лозим бўлади.

Аксарият мактабларимизда фан тўғараклари ва қизиқарли машғулотлар ёлга қўйилмаган. Айниқса, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги бадий тўғаракларда миллий чоғуларимизни эшитмаслиги ачинарли, иштирокчилар чолғу асбоблари билан билан таъминланмаган. Миллий чолғу асбобларимиз умумтаълим мактабларида кам учрайди. Ўқувчилрни ўзларидаги чолғу асбобларининг сифат даражаси ҳам талаб даражасида эмас.

Ўқувчиларда комиллик элементларини, инсоний фазилатларини умумий ўрта мактабларда, ўқув фанлари машғулотларида, қолаверса синфдан ташқари таълим жараёнида ҳам шакллантириш ва ривожланиши табиий. Шу ўринда умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилиши мумкин бўлган маданий-маърифий тадбирларни аҳамияти алоҳида таъкидлаш лозим. Навоийхонлик, Нодирахонлик, Бобурхонлик, Ражабийхонлик, Халиловхонлик, суҳбатли констертлар, мавзули кечалари, миллий санъатимиз намоёндалари билан учрашувлар, “Наврўз”, “Қўшиқ

байрами”, “Рақс байрами”, “Мақом кечаси” каби маданий анжуманлар ўқувчи ёшларни миллий маданий меъросимизга, миллий қадриятларимизга ҳавас, қизиқиш уйғотади. Бундай анжуманларда ўқувчи ёшларнинг 2чи қирралари очилади, истеъдодларини намойиш эта олиш орқали миллий мусиқа меъросимизда ўчмас из қолдирган шахсларнинг қиёфасига кириш, улар тилидан сўзлаш, орзу истакларини билиш, яратган асарларини ижро этш каби тадбирлар ўқувчиларни миллий маданий меъросимизни янада чуқурроқ ўзлаштиришларига имкон яратади. Бундан ташқари бу каби тўғарак машғулотларида олиб борилган суҳбат, хотира, кўрсатиш, тушунтириш методлари воситасида ўқувчиларнинг фикрлаш кўлами тафаккури ортади.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг миллий куй ва қўшиқлари мавжуд. Лекин ёш авлодни комил инсон бўлиб тарбия топишида халқимизнинг бой мусиқий меъроси алоҳида аҳамиятлидир. Халқимизнинг орзу умидлари, ҳаётий кечинмалари, маънавий дунёсини ўзида акс эттирган, “Алла”, лапар, меҳнат ва маросим ҳамда бошқа халқ қўшиқлари баркамол авлод тарбиясида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Айниқса, халқ созанда ва хонандалар фаолияти, миллий санъатимиз дарғалари Т.Жалилов, Ю. Ражабий каби бастакорларимизнинг мусиқий меъросларини о[ърганиш, уларни инсоний фазилатлари, устоз шогирд ўртасидаги муносабатлари, меҳрибон ва талабчан устоз бўлганликлари ҳақида маълумотга эга бўлиш, касбга бўлган меҳр, садоқат, маданий-маърифий қарашлари ҳақида билиш ўқувчи ёшларнинг қлбида меҳр-мурувват, ҳавас, ғурур, ҳис-туйғуларини орттиради. улар яратган мусиқий асарларни ижро этиш тинглаш жараёнида бу туйғулар ёшлар қалбига чуқур сингиб боради.

Қобилиятнинг маълум даражаси исталган ўқувчида шаклланган бўлиши мумкин. Истеъдодни ўз вақтида намоён бўлиши тарбияга ва кўллаб қуватлашга боғлиқдир. Қобилият асосан мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этилган таълимий, тарбиявий

ўқув жараёнида ривожлантирилади. Шу мақсадда истеъдодли ва иқтидорли ёшларни оғғин рағбатлантириш баркамол, мукамал бўлишлари учун шароит яратиш уларнинг ижодий қизиқишларининг ранг-баранглигини ошириш учун турли маданий-маърифий тадбирлар, кўрик танловлар, учрашувларга жалб этиш лозим.

Уларни ижодий комил топтиришда ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълимий дастурлар, ўқув режаларини яратиш энг асосий омилдир. Бу ўқувчи ўз оғғинини топишида мактабдан ташқари таълим муассасаларида турли бадий тўғаракларда, жумладан драма, ракс, чолғучилик тўғаракларида, фолклор, ашилла ва ракс, мақом ансамблларида иштирок этишлари, ўзларининг истак вақизиқишларига қараб замонавий ва миллий касб-хунар сирларидан бошланғич сабоқ берш, уларни ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб этишишларига замин яратади.

Ҳар бир ўқувчига танланган куй ва кўшиқларининг ижроси, ўрганган музикий саарларининг мултифларини билиш, музика мавзуси ва мазмунини тўғри талқин қилишга ўргатиш воситасида ўзида бор билим ва қобилиятларини намоён қила олиш истаги кучаяди. Ўқувчи ёшларда маънавий ахлоқий покланиш, инсоф, иймон, диёнат, ор-номус, меҳр-муҳаббат, ва шу каби инсоний фазилталар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, ҳаммасининг заминиде тарбия ётади. Шундай экан таълим-тарбия муассасаларида куйидаги масалаларга эътибор қаратишни ва уларни амалга оширишни тавсия этиш мақсадга мувофиқ: мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар олдиндан давлат мадҳияси ижросини тинглаш ва унга жўр бўлиш: тадбирларда буюк алломалар ҳамда санъат ва адабиёт намоёндаларининг инсонпарварлик ғояларини илгари сурган ғазал, куй ва кўшиқларни ижро этиш: ўқувчи ёшларни бой маданий меъросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ўзбек бастакорларимизнинг

хаёти ва ижоди ҳамда мусиқий меъросидан фойдаланиш. Ушбу тадбирларимизда мутаффакирларимиз қторида улар ижопди билан бевосита боғлиқ бўлган кекса санъаткорларимиз, ўзбек бастакорларимизнинг илғфари сурган тинчлик, дўстлик, одоб-ахслоқ, поклик, халоллик, иззат-икром, ота-оннага менру мурувват каби педагогик ғояларни тараннум этувчи куй ва қўшиқларни ўрганиш ва уларни ўқув дастурига, ўқув режасига киритиш орқали амалгам оширилади.

Хожи Абдулазиз Абдурасуловнинг “Гулузорим”, “Гулёр”, Тўхтасин Жалиловнинг “Сизни айвон”, “Ҳар қачон”, “Тўйлар муборак”, Ю.Ражабийнинг “Қадах”, “Фидо”, И.Икромовнинг “Ялли-ялли”, “Муножот”, М.Левиёвнинг “Дўппи”, “Ўрик гуллаганда”, “Гўзал Тошкент”, М.Мирзаёвнинг “Дил куйласин”, “Баҳор валси”, “Завқим келур” каби ўлмас мусиқий асарлари миллий нусиқий ҳаётимизнинг тараннум этувчи куй ва қўшиқлар сарасидир.

Бу асарлардаги ахлоқий инсоний сифатларни англаш, мусиқа, рақс санъати, актёрлик маҳорати воситасида гўзалликни ҳис этиш, тўғарак аъзоларининг бир-бири билан ўзаро муносабатлари фикирлашлари, хатти-ҳаракатларида ҳис-ҳаяжонларида намоён бўлади.

Шу боис биз ўқувчилар билан бундай ҳамкорлик машғулотлари тизимини яратиш синф сва синфдан ташқари тарбиявий ишлар уйғунлигида амалга оширишни тавсия этамиз. Бир сўз билан айтганда уларда инсонни комилликка этакловчи таълимий, тарбиявий элементлар сўз ва оҳангнинг синтезида профессионал тарзда берилгани, уларни тўғри идрок этиш, уларга тўғри муносабат билдиришга ўрганиш шубҳасиз ўқувчи ёшлар вужудида комиллик элементларини шакилланишига хизмат қилади. Бу бой манбаларни ўрганишимизга бизга комил инсонни тарбиялашда ўқувчи ёшларда ахлоқий-естетик сифатлар мажмуини шакиллантиришда муҳим аҳамиятга эга экан деган хулосага олиб келади.

Хулоса ва амалий тавсиялар

Куйлаш фаолияти ўқувчиларининг мусиқа ўқув қолиятларини ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарурдир. Синфда жамоа бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчи ўз овоз ижросини бошқаради, ўртоқларининг ижроларини эшитиб кузатади ва улар билан бирга жўрнавозлик қилишга интилади. Зотан, тинглаш ва куйлаш ўқув материаллари таълим мазмунинг ташкил этади. Уларнинг куйлаш ва тинглаш фаолиятлари воситасида ўрганиши билан бирга чолғучилик, мусикали ҳаракатлар ҳамда ижодкорлик фаолиятлари билан ҳам ҳар томонлама ўзлаштириш ва мусиқий тавсифларни ушбу фаолиятлар воситасида имкониятлари яратилади.

Кўшиқ жанри умумтаълим мактаби ўқувчиларининг сеvimли фаолият турларидан бўлиб, ўқувчиларни маънавий - ахлоқий тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Кўшиқ ўргатишда замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш педагогик мақсадга эришишнинг гаровидир.
2. Ўқувчиларнинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўшиқлар танлаш уларда кўшиқ санъатига бўлган қизиқишни оширади.
3. Кўшиқ ўргатиш жараёнида вокал-хор қоидаларига риоя қилиш дарс машғулотларининг қизиқарли ва тушунарли бўлишини таъминлайди.
4. Умумтаълим мактаби “Мусиқа маданияти” дарслари жараёнида ва синфдан ва мактабдан ташқари шароитда кўшиқларни педагогик таҳлил қилиш орқали ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда педагогик мақсадга эришилади.

5. Синфдан ва мактабдан ташқари шаритда қўшиқ айтиш ва тинглаш ўқувчиларда дарс жараёнида олган билим ва кўникмаларининг мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биз бу муаммони битирув малакавий иш ҳажмида ўргандик. Бундан кейинги тадқиқотларимиз жараёнида унинг ҳали ўрганилмаган қирраларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” – Т.: Маънавият 2008 йил.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Ўзбекистан 1997 й. 63 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Илму-фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин. Т.: Ўзбекистан 1996 й. 261 б.
4. Ўзбекистон республикаси конституцияси. Т.: Ўзбекистон 1992 й. 48 б.
5. Асрларга тенгдош кўшиқлар. (Урф-одат ва маросимларимизга доир кўшиқлар мажмуаси).-Т: жумхурият илм.Метод. маркази. 1995.127-бет.
6. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини уста хофизлар анъанаси мисолида тарбиялаш. (Тўплам.Мусиқада таълим ва тарбия бирлиги). №1 . -Т.: Т.Д.П.У, 1996. 52-57 бетлар.
7. Бегматов С. Мумтоз хонандалик санъати мезонлари. Гулистон, 1995 № 6,
8. Дўстов.С.Д “Мусиқа дарси самарадорлигини ошириш усуллари”.
“Педпгогик махорат” журнали. Бухоро 2008 йил. №2 .65-66 бетлар.
9. Ишмухаммедов Р. "Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш". Т., 2004
10. Мунавваров А.К. Педагогика. ум. тах. остида. Т.: Ўқитувчи. 1997 й. 232 б.
11. Маннопов С. Мумтоз хофизлар туркуми. Фарғона. 1994 й.
12. Мусиқа алифбоси. 1-синф учун дарслик. Нурматов Ҳ., Норхўжаев Н. –Т., 1998.
13. Мусиқа. 2-синф учун дарслик. Нурматов Ҳ. ва б. –Т., 1999.
14. Мусиқа. 3-синф учун дарслик. Нурматов Ҳ., Норхўжаев Н. –Т., 2002.
15. Мусиқа. 4-синф учун дарслик. О.Ибрагимов. –Т., 2004.
16. Мусиқа. 5-синф учун дарслик. Мансуров А., Каримова Д. –Т., 2004.
17. Мусиқа. 6-синф учун дарслик. Бегматов С. ва бошқалар. –Т., 2001
18. Мусиқа. 7-синф учун дарслик. Иброҳимов О., Садиров Ж. –Т., 2004.

19. Рўзиев.Д.Р “Замонавий мусиқа дарси ва ўқитувчи фаолияти”. “Педагогик маҳорат” журнали. Бухоро 2003 йил. № 3 .79-81 бетлар.
20. “Таълимда янги педагогис” технологиялар: муаммолар, ечимлар”.
Илмий - амалий конференция материаллари Т. Ўз ПФИТИ, 1999.
21. Йўлдошев Ж.Ғ., УсмоновС.А.. "Педагогик технология асослари".
Тошкент."Ўқитувчи", 2004
22. Йўлдошев Ж.Ғ.. "Ўзбекистон Республикаси таълими – тараққиёт
йўлида". Т,. "Ўқитувчи", 1994
23. Саидамедов Н. "Педагогик технология". Т., 2002.
- <http://www.guldu.uz/>
- <http://www.gduportal.uz/>
- <http://www.ziyonet.uz/>
- <http://www.guldu.zn.uz/>